

Боқий фикр
Оламга мунавварлик
бағишлаган меҳр-
оқибат, садоқат,
ор-номус каби
мумтоз туйғулар аёл
қалбида мужассамдир.

Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 5-noyabr, chorshanba № 89 (8738)

ОРАСТА, ОҚИЛА ВА ТАШАББУСКОР ҚИЗЛАР

2014-yil — Sog'lom bola yili



Азал-азалдан халқи-
миз қиз бола тар-
биясига алоҳида
эътибор билан
ёндашган. Чунки, қиз
бола эртага бир
оиланинг бекаси
бўлиб, ўша хонадонни
гуллаб-яшнатади,
рўзгор тўқинлигини
таъминлаб, соғлом
ва оқил фарзандлар-
ни тарбиялайди.
Бугун қизларни ҳар
томонлама барка-
мол вояга етказиши
ишига нафақат
оилалар, балки таъ-
лим муассасаларида
ҳам энг муҳим вазифа
сифатида қарал-
моқда.

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ ЖАҲОН РЕЙТИНГИДА

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси «Бизнесни юритиш 2015: самарадорлик доирасидан чиқиб» (Doing Business 2015: Going Beyond Efficiency) номли навбатдаги йиллик маърузасини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистонда ҳисобот даврида энг сезиларли даражада яхшилланган соҳа солиқ тизими бўлиб, мамлакатимиз бу кўрсаткич бўйича рейтингда ўтган йилга нисбатан 61 ғоғона юқорига кўтарилган.

Бу мустақиллик йилларида Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида аҳоли реал даромадлари ўсишига кўмаклашадиган, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга асос бўлиб хизмат қиладиган кенг кўламли солиқ

ислохотлари амалга оширилгани натижа-сидир. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизматидан маълум қилишларича, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда солиқ ставкаларини босқичма-босқич пасайтириш устувор йўналиш этиб белги-

лангани алоҳида аҳамият касб этди. Солиқ юки 1991 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 41,2 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йиллар давомида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган оқилона солиқ сиёсати натижа-сида ҳозирги кунда бу кўрсаткич қарийб икки баробар камайди. Яъни, солиқ ставкаларининг оптималлаштирилиши ва мураккаб бўлмаган солиққа тортиш тартибининг жорий этилиши натижа-сида бу кўрсаткич 20,8 фоизни ташкил қилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni

Конституция давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг қиёфаси ва нуфузини белгилайди. Шу хусусиятдан келиб чиқиб ай-тиши мумкинки, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам мамлакатимизни дунёга танитган, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида фаол ҳаракат қилишига ҳуқуқий замин яратган муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир.

БАХТЛИ ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Конституция халқимизнинг ўзини-ўзи бошқариш, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарварлик таъминловчи асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш тўғрисидаги азалий орзусини ифодалаб берди. Унда уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга бўлган миллиятнинг асрлар мобайнида шаклланган миллий урф-одат, анъана ва қадриятлари, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, ҳуқуқий

онги, эътиқоди, бир сўз билан айтганда, маданий-маънавий дунёси ўз аксини топган. Чунки, Ўзбекистон Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Мотуридий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Наҳмиддин Кубро, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк аллома ва саркардаларга бешик ҳисобланган. Уларнинг ҳаёт йўли ва илмий-маданий меросларида

меҳр-оқибат, имон ва инсоф, меҳр-шафқат ва раҳмдиллик, ўзаро ҳурмат, юксак ватанпарварлик, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик каби энг ардоқли фазилат ва ғояларга алоҳида эътибор қаратилгани фикримизнинг яққол далилидир.

Маълумки, Конституциямизда миллий қадриятлар билан умуминсоний хусусиятлар ўзаро уйғунлашган.

(Давоми 5-бетда.)

«МУАЛЛИМНИНГ КЎЗГУСИ ЙЎҚМИ?» мақоласини ўқиб

Педагог мавқеига зийн етадиган жиҳатлардан бири — ўз фанини пухта билмаслиги. Агар бу ҳолатга унинг кийиниш маданиятсизлиги ҳам қўшилиб, ўқувчининг педагогга нисбатан ҳурмати сўниши, фанга қизиқиши пасайиши мумкин.

7-бет

ЎЗ КУЙИНГИЗНИ ТОПИНГ!

Қомусий олим Абу Али ибн Сино ўз асарларида мусиқанинг ҳиссий таъсири ва руҳий касалликларни даволашдаги аҳамиятини кўп таъкидлаган. Беморларининг томир уришига мос оҳангни танлаб бергани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

8-бет

ДАРС ЖАДВАЛИ қандай тузилади?

Талабаликнинг олтин дақиқалари дарс жадвали тарзида кунларга тақсимланади. Унинг ҳар бир сониясидан унумли фойдаланиш ўқитувчининг маҳоратию талабанинг масъулиятига боғлиқ.

10-бет

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кўплаб мамлакатларда корхона ва муассасалар фойдасидан олиннадиган солиқ ставкаси ўртача 12,5—39,5 фоизни ташкил этаётган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 1995—2014 йиллар мобайнида 38 фоиздан 8 фоизга тушгани иқтисодий-иқтисодий сифат ўзгаришларига эришилганининг яққол ифодасидир.

Солиқ ставкаларининг оптималлаштирилгани давлат бюджетни даромадлари таркибидан ҳам муҳим сифат ўзгаришларига олиб келмоқда. Корхоналар фойдасидан олиннадиган солиқлар улущининг босқичма-босқич пасайтирилиши ва

2012 йил июль ойидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан доимий равишда талаб қилиб келинаётган эллик турдаги ҳисобот, 2012 йил 1 августдан рухсат беришга оид 80 тартиб-таомил бекор қилинди. Шу билан бирга, айрим ҳисобот шакллари бирлаштирилди.

Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони тадбиркорлар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтарди. Хусусан, солиқ-

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАҚОН РЕЙТИНГИДА СУРЪАТЛАРИ ЖАҲОН РЕЙТИНГИДА

ресурсларга солинаётган солиқлар улущининг оширилиши шулардан энг муҳимидир. Бу ҳолат сармоёвий фаолиятнинг фаолияти учун қўлай шарт-шароит яратиши билан бирга табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши рағбатлантираётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим қадам бўлди. Мазкур фармон асосида бугунги кун талабларига мос келмайдиган лицензия ва рухсат бериш тартиби, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари кескин қисқартирилди. Жумладан,

ларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлайдиган, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминловчи кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ текширувидан ўтказишга қўлланган мораторийнинг амал қилиш муддати 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилди.

Амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига қўлай шарт-шароит яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини мустаҳкамламоқда. Бунинг натижаси иқтисодий-иқтисодий барқарорлигида яққол ўз ифодасини топаётди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУҲБИРИ

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ — ДАВР ТАЛАБИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ахборот-коммуникация соҳасини жадал раванк топтириш, фуқароларни замонавий телекоммуникация хизматлари билан тўлиқ таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ахборот технологияларидан тўғри, унумли ва оқилона фойдалана оладиган мутахассисларни тайёрлаш муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази томонидан маданият, санъат ва спорт соҳаси мутахассислари учун ташкил этилган АКТдан фойдаланиш бўйича малака ошириш курслари шу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014

йил 27 мартдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича малакасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида мазкур институтдаги тармоқ маркази негизда таянч ўқув маркази ташкил этилган. Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасаруфидидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари ва мутахассислари, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими педагог кадрлари ахборот технологиялари бўйича сабоқ берилди.

Ишлаб чиқилган режага асосан юртимиздаги барча музейлар, Андижон вилояти маданият ва аҳоли дам олиш марказлари директорлари, Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилояти маданият ва спорт ишлари

бошқармалари мутахассислари соҳага оид билимларини мустаҳкамлади.

— Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши барча тармоқларда соҳага оид билимларни мунтазам ошириб боришни тақозо этмоқда, — дейди Қарши тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Нарзулла Абдуллаев. — Буни ҳамма соҳада ахборот оқимининг тез суръатда ўсиши ва кенг қўламлиги билан изоҳлаш мумкин. Малака ошириш курсларида бу борада кўплаб зарур маълумотларга эга бўлди.

Машғулотлар давомида электрон ҳуқумат, интернет тизими, мультимедиа воситалари, масофавий таълим ва мутахассислик соҳасида электрон дастурлардан фойдаланиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎЗА МУҲБИРИ

МАКТАБЛАРНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларга пухта билим ва тарбия бериш борасидаги ислохотлар самаралари жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Бу жиҳатлар ижтимоий-маърифий соҳадаги халқаро ҳамкорликнинг янада кенгайишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда Корея Республикаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш» лойиҳасининг муваффақиятли амалга оширилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида мамлакатимиз таълим соҳаси ва ахборот-коммуникация технологиялари мутахассислари ҳамда Жанубий корейлик банк-молия тизими мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда шулар ҳақида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга кенг жорий этилаётган «Таълим тўғрисида»-ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос таълим даргоҳлари барпо этиш, ўқитиш сифати ва мазмунини юксалтириш, ўқувчиларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар сирларини эгаллашда муҳим омили бўлмоқда. Навқирон авлодга билим беришининг ўзига хос модели сифатида эътироф этилаётган мазкур ислохотлар жараёнида замонавий ахборот-коммуникация техно-

логияларини соҳага татбиқ этишга қаратилган лойиҳалар алоҳида аҳамият касб этади.

«Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш» лойиҳаси доирасида 2011—2014 йиллар мобайнида 1770 мактабга ўқув-компьютер синфлари учун техник жиҳозлар етказиб берилди.

Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида серверлар майдончаси, мультимедиа студияси, контент ишлаб чиқарувчилар ва ахборот-коммуникация технологиялари муҳандислари учун махсус хоналар ташкил этилди. Айни пайтда Жанубий корейлик мутахассислар билан ҳамкорликда электрон ахборот-таълим ресурсларини ишлаб чиқиш устида иш олиб борилади.

— Ҳар бир мамлакат келажагида таълим соҳасига қаратилган эътибор муҳим ўрин эгаллайди, — деди Корея Республикаси стратегия ва молия вазирлиги департамент директори Ко Же Мёнг. — Ўзбекистонда ёш авлод истикболига давлат томонидан улкан ғам-хўрлик кўрсатилаётгани диққатга сазовор.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА МУҲБИРИ

«УСТОЗИМИЗНИ ЯХШИ КЎРАМИЗ!»

Ўқувчиларнинг бу эътирофи ўқитувчига мукофот

Мактабга илк қадам қўйган мурғак қалб эгаларига алифбони, одоб-ахлоқ қоидалари, муомала маданиятини ҳар бир ўқитувчи ўзига хос усулда ўргатиб боради. Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги 210-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нигора Абдуқодирова бу вазифага қалб амри, бор меҳри билан ёндашади.

Ҳарфларни, одобли бўлиш, билим олиш мезонларини ҳар бир болага алоҳида-алоҳида ўргатишдан чарчамайди. Ўргатганда ҳам кўргазмалли воситалар, ҳаётий мисоллар асосида содда ва осон тарзда ўргатади. Мавзулар бўйича матнларни китобдан эмас, балки ҳаётдан, ўзлари кўриб-билиб юрган воқеа-ходисалардан ўрганишга ундайди.

— Бундай ёндашув ўқувчиларда эркин фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, — дейди мурғак Нигора Абдуқодирова. — Масалан, «Икки дўст» мавзусини ҳар бир боладан ўз партадоши мисолида ҳикоя қилиб беришини сўрайман. Болага ёнидаги, атрофи ё синфхонасидаги воқеаларни ўргатиб, сўнг кенг-роқ доирага олиб чиқсангиз шунда у ташқарини, борлиқни, дунёни англай бошлайди.

Ҳар бир бола қалбидан жой ола билиш ўқитувчидан кучли билим ва ижобий фазилатларга эга бўлишни талаб этади.

— Устозимиз Нигора опа жуда кўп нарсани биладилар ва бизга ҳам ўргатадилар, — дейди 1-синф ўқувчиси Асадбек Фойбов. — Биринчи ўқитувчимиз, алифбо, математика, ўқини ўргатаётдилар. Биз ҳаммаимиз устозимизни яхши кўраимиз.



Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда хорижий давлатларда сайлов участкаларини ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни ёритиш учун журналистларни аккредитациядан ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Мажлисни Марказий сайлов комиссияси расми М.Абдусаломов бошқарди.

Сайлов тўғрисидаги қончиликка биноан сайлов участкалари асосий мезон — сайловчиларга барча қўлайликлар яратиш инobatга олинган ҳолда ташкил этилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига мувофиқ мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида ҳам сайлов участкалари ташкил қилинмоқда.

Марказий сайлов комиссияси Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузу-

рида сайлов участкаларини ташкил этиш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, парламент сайлови бўйича 44 та сайлов участкасини тузиш ва уларни Тошкент шаҳридаги 126-Темирийўлчилар сайлов округига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, сайловчилар учун зарур шароитлар яратишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисида парламент, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни холисона ва ҳар томонлама ёритишни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида маҳаллий ҳамда хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Марказий сайлов комиссиясига тегишли тартибда мурожаат қилган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг ваколоти доирасидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

2014-yil 5-noyabr, № 89 (8738)

Ватанамиз мустақилликка эришгач халқимиз ўз келажagini ўзи барпо этиш, ўз тараққиёт йўлини мустақил белгилаш, эркин ва демократик сайловларда фаол иштирок этиб, давлат бошқарувида қатнашиш ҳуқуқига эга. Маълумки, жорий йилнинг 21 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказилади. Мазкур муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнга юртдошларимизнинг катта қизиқиши билан қараётгани халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Сиёсий билимлар дебочаси

Ёшларимизда эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини уйғотиш ва ривожлантиришда таълим-тарбия соҳаси фоят муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, бугунги кунда халқ таълими тизимида умумтаълим мактаблари ўқувчиларнинг сиёсий билими ва маданиятини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқувчиларнинг ижтимоий-сиёсий билимларини бойитиш мақсадида тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, ватан туйғуси, миллий истиқлол гоёси, Конституция оламига саёҳат каби ўқув фанларига мазкур йўналишда алоҳида мавзулар киритилган.

Ўқувчилар давлат ва жамият, давлат бошқаруви, қонунчилик, суд тизими, фуқаролик, шахс, ҳуқуқнинг турли шакллари оид дастлабки тушунчаларни ўқув дастурига киритилган ана шундай мавзулар орқали англайди. Бунинг учун, албатта, ўқитувчининг ҳар бир дарсга ижодий ёндашиши талаб этилади.

Айнан сайлов тизими билан боғлиқ тушунчалар 9-синфга мўлжалланган "Конституциявий ҳуқуқ асослари" дарслигига алоҳида мавзу сифатида киритилган бўлсада, "Конституция оламига саёҳат", "Ватан туйғуси" каби дарсликлар орқали ҳам ўқувчилар 5, 6-синфдан оқ "Депутат ким?", "Парламент нима?", "Давлат бошқаруви нима дегани?", "Сайлов нима?" деган саволларга жавоб топади. Бир сўз билан айтганда, болалар Олий Мажлис палаталари, уларнинг биргаликдаги ва мутлақ ваколатлари, депутатларнинг вазибалари ҳақида тасаввурга эга бўлиб улғаяди.

Бу борадаги мавзуларни содда қилиб тушутириш учун шахсан мен турли илғор методлардан фойдаланман. Масалан, синф ўқувчиларини икки гуруҳга бўлиб, ўртага муаммоли савол ташлайман. Кичик «сенатор» ва «депутатлар» ўзаро баҳслашиб, давлат бошқаруви бўйича кенг тасаввурга эга бўладилар. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ўзини сиёсий жараёнларнинг бўлғуси иштирокчиси сифатида кўрган бола оиласида ҳам уни тинглашларини хоҳлайди ва ота-онаси билан фикр алмашади.

Синф сардорини сайлаш методи

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш кўп жиҳатдан ҳуқуқий таълимнинг муваффақиятли

Мисол учун, ўтган ўқув йилида ўқувчилар орасидан синф сардорини сайлайдиган бўлдик. Мен ҳали номзодни эълон қилмасимдан кўпчилик ўқувчилар аёлочи, хулқи намунали синфдошлари номини санаб кетишди. Кейин уларга сардор бошқаларни ўз ортидан эргаштира олиш қобилиятига эга бўлиши лозимлигини айтиб, лидерликка хос фазилатларини айтиб ўтдим. Сардорликка номзодлар сони бир нечтага камайди. Улар орасидан энг муносибини танлаш учун эса махсус қоғозчаларга номзодлар исмини ёзиб, яширин йўл билан овоз беришни таклиф қилдим. Энг муносиб синф сардори, тозалик назоратчиси, китоблар назоратчиси,

этилишини кутиб ўтирмайди.

Айтиш жоизки, мавзуларни ўқувчиларга қизиқарли тарзда, чуқурроқ тушутиришда ноанъанавий усуллар қўл келади. Жумладан, "Бу меранг", "Лабиринт", "Муаммо", "Дебат" каби илғор педагогик усуллардан оқилона фойдаланиш яхши натижа беради.

Мисол учун, биз машғулотларда "Инсонга сиёсий ҳуқуқлар нега керак?", "Жамият ривожини давлат тараққиётида сиёсий ҳуқуқларнинг аҳамияти қандай?" деган саволларни ўртага ташлаб, мамлакатимизда бугунги кунда фаолият олиб бораётган 4 та сиёсий партия ва уларнинг жамиятдаги роли ҳақида ўқувчи-

САЙЛОВ ҲАҚИДАГИ ДАСТЛАБКИ ТУШУНЧАЛАР

мактаб давридан оқ берилаётгани ўқувчиларнинг сиёсий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда



амалга оширилишига боғлиқ. Давлат ва ҳуқуқ асослари фанининг самарали ўқитилиши натижасида ўқувчиларда ҳуқуқий маданият ва сиёсий онг юксалади. Улар Конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбияланиб, ўз хатти-ҳаракатларини қонун доирасида амалга оширишга одатланади. Шунингдек, болада миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш ва қадрлаш туйғуси ҳамда фаол фуқаролик позицияси шаклланиб, жамият олдида ўз бурчи ва мажбуриятини ҳис эта бошлайди, дахлдорлик ҳисси билан камол топади. Дахлдорлик туйғуси эса фуқароларнинг сайловлардаги фаол иштирокида яққол намойён бўлади.

Сайлов тизимига оид тушунчаларни болаларга етказиш учун ўқитувчи сайловга бағишланган мавзу келишини кутиб ўтириши шарт эмас. Ҳар йили синф сардори, тозалик назоратчиси, китоблар назоратчиси, қаторбошиларни сайлаш асосида ўқувчиларда сайлов ҳақидаги тасаввурни босқичма-босқич шакллантириб бориш мақсадга мувофиқ,

қаторбошилар шу тахлит аниқланди.

Хабардорлик хосияти

9-синфни тамомлаш арасида ўқувчилар "Конституциявий ҳуқуқ асослари" дарслигидан ўрин олган "Инсонга фуқаролик нима учун керак?", "Сиёсий ҳуқуқлар" мавзуларида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи кимларга берилиши ва сайловларнинг аҳамияти хусусида чуқур билим оладилар. Дарслик "Соғлом бола йили"да қайта нашр этилиб, таълим тизимига жорий қилинди. Қоидага кўра, бу дарслик ҳам ҳар беш йилда янгитдан чоп этилади. Ушбу мuddатда қонунчиликда муайян ўзгаришлар рўй бериши мумкин ва табиийки, дарсликдаги факт ва рақамлар ҳам эскиради. Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни мунтазам равишда синчковлик билан кузатиб борган ўқитувчи тегишли мавзунини бойитиш, янгилашда қўйналмайди. Қонунчиликка киритилган қўшимча ва ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини ўқувчиларга етказиш учун ўқув китоби қайтадан чоп

лар билан фикр алмашдик. Президентимиз илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси билан ўқувчиларни таништириб, мазкур ҳужжатнинг мамлакатимиз тараққиётида, хусусан, миллий қонунчилигида янги босқични бошлаб берганига эътибор қаратдик. Ушбу Концепция асосида мамлакатимиз сайлов тизими янада такомиллаштирилганига атрафлича тўхталиб, миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгаришлар ҳақида етарлича маълумот бердим.

Мавзунини ўрганиш давомида ўқувчилар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан тортиб, номзодларни рўйхатга олиш, сайлов комиссияси фаолияти, умуман, сайлов кампаниясига доир билимларини бойитдилар. Кейинги машғулотда юқоридаги каби саволлар яна ўртага ташланганда ўқувчиларимизнинг аниқ-тиниқ жавоб беришини кўриб, дарсга ижодий ёндашув нақадар самарали эканини ҳис қилдим. Янги дарсликда қонунлар-

Saylov — 2014

дан кўчирмалар, сиёсий партияларнинг рамзий белгиси (эмблемаси), парламент ҳақидаги маълумотлар жадвал кўринишида, ҳар бир мавзуга оид расмий маълумотлар рангли тасвирда батафсил берилган. Бу ўқувчиларга мавзу бўйича тўлиқ тушунча беришда ўқитувчига ёрдам беради.

Амалий машғулотлар кўникмаларни мустақамлайди

"Конституциявий ҳуқуқ асослари" дарслигининг Ўзбекистон Республикасидаги сайлов тизимига бағишланган бобида ўқувчилар мамлакатнинг ўз тараққиёт йўлини танлашида умумхалқ сайловининг аҳамияти, сайлов ўтказиш моделлари, демократик сайлов принциплари ҳамда сайловлар ўтказилиши устидан назорат олиб борилиши бўйича зарур билимга эга бўладилар. Масалан, сайловнинг халқаро миқёсда амалда бўлган "можаритар" ва "пропорционал" деб аталган икки хил тизими ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Мамлакатимизда сайловнинг можаритар тизимидан фойдаланилади. Демократик сайлов принциплари мавзусида сайловни ташкил этиш жараёнида умумийлик, тенглик, яширинлик, очиклик каби принципларга алоҳида эътибор қаратилиши зарурлиги борасида фикр юритилади. Дарсликда амалий машғулотларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Амалий дарсларга бағишланган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ва сенаторлари сайлови" бобидаги "Мактаб кенгашини сайлаш" мавзуси сайловни ўтказиш тартибини батафсил очиб беради. Мавзудаги тавсияга кўра, ўқувчилар дарс давомида гуруҳларга бўлиниб, сайлов комиссияси аъзолари, партиялар ва номзодлар ҳамда оммавий ахборот воситаларига вакилларидан иборат сайлов жараёни иштирокчилари танланади. Машғулотда сайлов билан боғлиқ барча жараёнлар қамраб олинади.

Ўқувчиларга фанлар доирасида сиёсий-ҳуқуқий билимларнинг чуқур ўргатилиши бежиз эмас. Зеро, бу уларнинг ўз қонуний бурч ва масъулиятларини, ҳақ-ҳуқуқларини теран англаши, демократик давлатнинг муҳим хусусияти бўлган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга ошириш жараёнлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишида катта аҳамият касб этади.

Мухайё АҲМЕДОВА,
Сергеи туманидаги
303-умумтаълим
мактабининг давлат ва
ҳуқуқ асослари фани
ўқитувчиси,
халқ таълими аълочиси

Yangiliklarda yurt nafasi



✦ Наманганда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун "Таълим-тарбия — баркамоллик ва истиқбол асоси" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси, сиёсий партиялар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамоллигида жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши учун шароит ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Наманган вилоятида ҳам ёшларнинг замонавий билим ва касб-хунар сирларини пухта ўзлаштириши, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида ҳеч қимдан кам бўлмасдан воғга етиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Ўқувчиларга ноъанавий педагогик услублар — электрон дарсликлар, "ZyUNet" тармоғи, замонавий ўқув-лаборатория уқунчаларидан фойдаланган ҳолда таълим берилмоқда. Бу жараёнда имконияти чекланган ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини ёритиш бўйича салоҳиятини ошириш" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда болалар мавзусини ёритиш, унинг шакл ва усуллари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

✦ Самарқандда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан "Бола ҳуқуқлари — давлат ҳимояси" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда туман, шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, ҳуқуқ-тарбиот идоралари масъул ходимлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Ҳ.Холов, Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Рабиимова ва бошқалар Президентимиз раҳнамоллигида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллаши учун алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганини таъкидлади. Бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилиб, ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Семинарда Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги қонунчи мазмун-моҳияти, бола ҳуқуқлари ва оила қончилиги, вазийлик ва ҳоимийлик органлари томонидан воғга етмаганларнинг қонунчи ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маърузалар тингланди. Ёшлар билан ишлаш, болаларнинг таълим-тарбия олишида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Тадбирда 2013-2014 ўқув йилида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ўқувчилар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

✦ Урганчада "Қамалак юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши қошиғида "Қамалак" болалар ташкилоти, халқ таълими бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 350 нафар ўғил-қиз иштирок этди.

Тадбирда йигирмага яқин истеъдодли ўғил-қиз фестивалнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Улар орасида Урганч шаҳридаги 24-умумтаълим мактаби ўқувчиси Сухроббек Йўлдошев ҳам бор.

— Шундай нуфузли танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритганидан хурсандман, — дейди Сухроббек. — Биз, ёшларнинг ўзимиз қизиққан соҳада истеъдодимизни юзага чиқариш учун барча шароит ва имкониятлар яратиб бераётган давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз. Келажакда ана шу юксак ишончга муносиб бўлиб, Ватанимиз шаънини халқроқ миқёсда шарафлашга лойиқ фарзанд бўлсам, дейман.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

✦ Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиллиги тўғрисида»ги қонун ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Юнусобод туманида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва саломатлигини муҳофаз қилиш, бандликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрафиҳа сўз юритилди.

Матбааларнинг 9-синфини тамоламаган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш ва коллеж битирувчиларнинг бандлиги таъминлаш — доимий эътиборда. Ёшлар, хусусан, воғга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини маъмули ташкил этиш, оммавий спортнинг кенг тарғиб этишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаётди. Бу борда мавжуд қирқдан ортқ спорт майдонидан самарали фойдаланиш ва янги спорт мажмуалари, болалар ўйин майдончаларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Тадбирда тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича баҳарлаётган лойиҳалар самаралари ва истиқболдаги вазифалар хусусида маълумот берилди.

Ўза ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Ёш ўқитувчилар учун семинар

Юнусобод туманидаги 12-мактабда "Мустақил юрт педагоглари сифатли таълим сари!" шиори остида "Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларининг педагогик маҳорати ва касбий маданиятини юқори сифат даражасига кўтариш" мавзусида ёш мутахассислар учун семинар ўтказилди.



Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан

уюштирилган ушбу семинарда кўп йиллик тажрибага эга ва малакали ўқитувчилар таклиф этилди. "Филология фан-

лари", "Аниқ фанлар ва бошланғич таълим", "Ижтимоий ва табиий фанлар" йўналишларида малакали ўқитувчилар томонидан ўтказилган тақдимотлар эндигина таълим соҳасининг машаққатли йўлини босиб ўтишга шайланётган ўқитувчилар учун катта сабоқ бўлди.

Тақдимотлардан сўнг ёш мутахассислар АКТдан фойдаланиш бўйича ўқув машғулларида ҳам қатнашиб, методик тавсияларга эга бўлишди.

Семинардан руҳланган ёш педагоглар дарс жараёнларини қизиқарли ва замон талабига мос ҳолда ташкил қилишни режалаштириб, ўз мактабларига англиклар билан қайтишди.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Чет тили дарсида АКТ

Наманган туманидаги 2-умумтаълим мактабида "Хорижий тилларни ўргатиш самарадорлигини янада яхшилашнинг илгор усуллари" мавзусида семинар ўтказилди.

Тадбирда туман ХТМФМТЭ бўлими услубчилари, чет тили фани ўқитувчилари иштирок этди. Иштирокчилар соҳада амалга оширилаётган ишлар, тўпланган тажриба ва илгор педагоглар иш фаолияти билан таништирилди.

Дастлаб 1- ва 2-синфларда инглиз тили фа-

нидан ўтказилган очик дарс, сўнгра 8-"А" синфда чет тили фани ўқитувчиси Ф.Сирождинованнинг француз тили дарси кузатилиди. Машғулотлар мобайнида педагогларнинг янги педтехнология ва ахборот-коммуникация воситаларида кенг фойдалангани мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Чет тили фани ўқитувчилари учун ташкил этилган семинар педагогларнинг тажриба алмашиши учун қулай муҳит яратди.

Ғанишер АКБАРОВ, "Ma'rifat" мухбири

Ҳар бир болада қобилият бор

Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг «Мақтабгача ва бошланғич таълим» кафедраси ўқитувчилари Паркент туманидаги МТМ мудирилари, методист ва тарбиячилари учун «Мақтабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий маҳоратини ошириш» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирда "Соғлом бола йили" Давлат дастурида МТМ-лар олдида қўйилган вазифалар, тарбиячиларнинг касбий маҳоратини ошириш, таълим жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, болаларни

мактабга тайёрлаш масалалари ташкил қилинди.

Педагогика фанлари номзоди, доцент Тармиза Хурвалиева «Мақтаб ёшидаги болаларнинг ўзига хос психологик ўзгаришлари» мавзусида маъруза қилар экан, тарбиячиларни

кўпроқ болани тинглашга, унинг ўзига хос характерини ўрганишга қорлади.

Институт катта ўқитувчиси Дилрабо Махматова эса педагогларни иқтидорли болалар билан ишлашнинг ўзига хос усуллари билан таништирди. Семинар давомида тарбиячиларнинг курсдан кейинги фаолияти ҳам ўрганилди.

Мухаббат ЗОКИРОВА, Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқитувчиси

Ижодий учрашув

Қамолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида Ўзбекистон халқ шоири Сирождидин Саййид билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда институтнинг санъатшунослик факультети талабалари, ёш рассомлар ва шерьиятга илҳосманд ёшлар иштирок этди. Дастлаб шоир ижодида бағишлаб таёрланган слайд намойиш этилди.

Сирождидин Саййид тадбир иштирокчиларини ёшлик ва талабалик йиллари билан қўллаб, «Ёшлик гўзал ва беғубор фасл. У жуда тез ўтиб кетади. Сизлар умринингизни бу фаслида кўп ўқишингиз, ўрганишингиз, излашингиз

керек. Вақт сиз ўйлаганингиздан кўра учқурроқ. Мен кўп бора вақтга таслим бўлганман. Сизлар ҳеч қачон ютқазманг. Вақт устидан галаба қозонинг!» дея ёшларни Ватанини севишга, илм излашга, китоб ўқишга ва ҳар бир дақиқани ганимат билиб, ундан унумли фойдаланишга чақирди.

Шоир болалик хотиралари, ижод изтироблари билан ўртоқлашиб, шерьлар ўқиди. Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар, ўз шерьий машқларини ҳам имтиҳондан ўтказдилар.

Жўрабек ЖАНГИРОВ, "Ma'rifat" мухбири

Соғлом тишлар — соғлом ҳаёт

Олмазор туманида жойлашган 5-болалар стоматология поликлиникасида "Соғлом тишлар" шиори остида учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда ҳудудда истиқомат қилувчи ота-оналар, ўқувчилар иштирок этди.

— Инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга тишлар саломатлиги ёшликдан эътибор қаратиш лозим, — дейди бош шифокор Э.Ғазиев. — Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад болаларда оғиз бўшлиғи гигиенасига риоя қилиш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Тадбирда соғлом тишлар фақатгина таом истеъмол қилишда эмас, балки ўзларни талаффуз этишда ҳам катта

аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди. Шифокорлар оғиз бўшлиғи гигиенаси, тишларни тозалаш юриш тартиби ҳақида ўқувчиларга тавсиялар беришди. Организмни чиниқтириш, хар кун спорт билан шуғулланиш, меърида ухлаш, ширинликларни кам истеъмол қилиш ва йилига икки маротаба стоматолог назоратидан ўтиш тишларни тўғри парваришнинг энг муҳим қондалари экани ўқувчиларга тушунирилди.

— Тишлар соғлом, садафдек оппоқ бўлса, инсоннинг ҳуснига ҳусн қўшади, табассумимиз гўзал бўлади, — дейди ўқитувчи Адолат Раҳимова. — Шифокорлар билан учрашув асосида ота-оналар болаларининг тишларини қўриқдан ўтказишди. Бундай тадбирлар аҳолининг тиббий маданиятини оширишга, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга хизмат қилади.

Иштирокчиларга тишларни тўғри парваришlash борасида қўлланма тарқатилди.

Нилуфар ЗУФАРОВА

2014-йил 5-ноябр, № 89 (8738)

8-декабр — О'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni

— Ассалому алайкум, мунозара иштирокчилари, — дейди «Мунозара» клуби сардори, халқаро муносабатлар факультети 5-босқич талабаси Шахбоз Сайфуддинов. — Бугунги дебатимиз ҳар галгидан ўзгача, яъни бирор муаммо юзасидан «тасдиқ» ва «инкор» гуруҳлари га бўлиниб баҳс қилиш билан эмас, ҳар иккала томон ҳам ҳақиқатнинг моҳиятини таҳлил этиш, «рағбат» олган муносабатларни кенг доирада муҳокама қилиш баҳсига айланади. Мунозарамиз мавзуси: «Конституция — ҳуқуқларимиз кафолати».

Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетиде фаолият юритадиган «Kamolot» ЁИХ бошланғич таълимнинг «SIYO-SFERA» сиёсий-маърифий клуби ҳамда «Мунозара» дебат-клублари ўртасида мунозара шу таҳлил бошланди. Тайм-киппер (вақт кўрсатувчи ва белгилувчи) нотиқларнинг ҳар бирига 10 дақиқадан вақт

десақ муболага бўлмайди. Чунки Қонун бу — ҳимоя, ҳуқуқ бу — имтиёз, ҳимоя ва имтиёз эса эркинликнинг асосий тамойилларидир. Демак, мен Соҳибқирон эътироф этган «қонун устуворлиги бу эркинлик» деган тамойилни тўлиқ ёқлайман.

Нотиқнинг саволга жавоби ижобий баҳоланганини томошабин-иштирокчилар олқишлар билан билдиришди. Сўз навбати «SIYO-SFERA» клуби вакилига берилди.

— Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ахборот ҳамда у билан боғлиқ бўлган ахборотлаштириш жараёнининг ҳуқуқий тартибга солиниши алоҳида аҳамият касб этади, — дейди халқаро муносабатлар факультети 4-босқич талабаси Фаррух Йўлдошев. — Бу эса, конституцион қонун-қоидаларда алоҳида тартибга солинган. Чунки бугунги «Глобал ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш асри»да инсоният ҳаётига

га, ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби вазифаларни бажариб келмоқда.

Бизга маълумки, қачонки, маҳаллий сайт ва порталлар керакли ахборотни етказма бера олмас экан, фойдаланувчи хорижий интернет манбаларига эҳтиёж сезиши табиий ҳол. Таассуфки, хорижий манбалардаги маълумотларнинг бари ҳам бирдек ҳаққоний ва холис эмас. Онги тўла шаклланмаган, ҳаётда оқ ва қорани ажрата олмайдиган ёш ўсмирлар ахборотларни таҳлил қилиш, танқидий кўз билан назардан ўтказиш ва кераклисини танлаш билиш имконига эга эмас. Фарзали мақсадларда тарқатилган ахборотлар ва кўпал ахборот тизимларига зарар келтирувчи табиий ёки сунъий характерга эга тасодифий ва уюштирилган таъсирлардан фойдаланувчиларни ҳимоя қилиш қатор ҳуқуқий ҳужжатлар ва конституцион нормаларда ўз асосини топан. Қолаверса, ота-оналар

БАХТЛИ ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бунинг белгиси шуки, мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон халқаро ҳужжатлар ичида биринчи бўлиб «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»га қўшилди. Бу эса, мамлакатда мазкур ҳужжатнинг қоидаларига қатъий амал қилиш кафолатини, деганидир. Конституциямизга боб сифатида оила институтининг киритилгани, унинг миллий ҳамда алоҳида хусусиятларидан бири ҳисобланади. Жумладан, 63-моддада «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда давлат ва жамият муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никох томонларнинг ўзаро розилиги ва тенг ҳуқуқчилигига асосланади» дея белгиланган. Шунингдек, 64-моддада ота-онанинг фарзанд олдидаги мажбуриятларини халқимизнинг миллий менталитетига хос бўлган фазилатлардан бири сифатида таърифлаш мумкин. Унга кўра, «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди. Болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантиради».

Бу каби мазмунга эга бўлган қонун ҳужжатлари бошқа давлатларда ҳам бўлиши мумкин. Чунки, фарзанд тарбияси ҳар доим энг долзарб масала ҳисобланади.

Лекин биз — кексаларни ардоқлайдиган, ота-онамиз қариганида уларга чин дилдан, ўзимиз роҳатлини ҳизмат қиладиган халқ бўлсак-да, ушбу кадрият Конституциянинг 66-моддасида расман қонунлаштирилган. Унда, «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» дейилган.

Конституциямиз қабул қилингандан буён ўтган йилларнинг энг муҳим ютуғи халқимизнинг танлаган йўли тўғрилиги, мамлакатнинг буюк келажига ишончи ортиб бораётганида кўринади. Мана шу муддат ичида унга бир неча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса, Конституция-мизнинг ҳуқуқий жиҳатдан янада тақомиллаштириши ва мустаҳкам бўлишини таъминлади.

Шунингдек, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар ва миллий аъёнларнинг ҳаётга таъриқ этилиши жамиятимизнинг янгиланишига кўмаклашиб, мамлакатимиз ёшларида янгича турмуш тарзи ва янгича тафаккурни шакллантирмоқда. Асосий қонунимиз ёшлар онгида мустақиллик, эркинлик, кадр-қиммат, масъулият, ўз манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғун ҳолда кўриш каби эзгу ғояларни қарор топтиришга ҳизмат қилишга қаратилгани билан кишига гурупу ва ифтихор бахш этади.

Ҳукуматимиз томонидан биз ёшларга берилган имконият ва яратилган шарт-шароитларга жавобан, Ватан ўтмишига ифтихор, бугунги кунга шукроналик ҳисси, эртасига юксак умид ва мақсадларга эга, юрт қорига ярайдиган мутахассис бўлиб шаклланиши лозим. Зеро, Юртбошимиз «Бизга фикри соғлом, иймон-этиқоди бутун, билими ва маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар ёшлар керак», — деб бежиз таъкидламаганлар.

Турли ғоявий-мафкуравий ҳужурлар авж олаётган бугунги глобаллашув жараёнида халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлод онги ва қалбига ватанпарварлик, мустақиллик ғояларини чуқур сингдириш, мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлининг ҳуқуқий асоси бўлган Асосий Қонунимизни ва унинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, таъсирчан воситалар орқали ёш авлод тафаккурига чуқур сингдириш муҳим вазифа ҳисобланади. Зотан, ёшлар нафақат конституциявий ҳуқуқларини, балки бурч ва масъулиятларини ҳам чуқур англашлари лозим.

Зокиржон РҶЗИЕВ,
Тошкент ислом университети
маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи

ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

белгилаб берди. Минбарга «Мунозара» клубининг инглиз тилида ўтказиладиган баҳслари сардори, халқаро иқтисодий муносабатлар факультети 4-босқич талабаси Фарҳод Омонов чиқди.

— Мустақил демократик ҳуқуқий давлатнинг ташкил топиши ва ривожланишининг асосий шarti давлат ва жамиятнинг сиёсий қурилиш тизимини белгилайдиган, фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган Конституциянинг мавжудлигидир. Қонунлар жамланмаси ҳисобланмиш Конституция — халқнинг муайян тарихий таърибаси ва қабул қилинган халқаро меъёрларига жавоб берадиган Бош Қонундир. У нафақат инсон манфаатларини ҳимоя қилади, балки мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга қаратилган меъёрларни ҳам ўзида муҳассамлаштиради...

Мунозара сардори нотиққа «SIYO-SFERA» клуби иштирокчисининг саволи борлигини билдирди.

— Соҳибқирон Амир Темурнинг «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади» деган фикрларини қандай изоҳлайсиз, — дейди Музаффар Остонакулов. — Қонунлар тартиб-интизомни назорат қилса, қандай қилиб эркинликни таъминлаб бериши мумкин, сизнингча-?

— Тартиб-интизомни намунали назорат қилиш бу фуқароларнинг ижтимоий ҳаётини фаровонлаштириш деганидир, — дейди Фарҳод Омонов. — Зотан, Асосий Қонунимизнинг 2-моддасида: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига ҳизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» дея қайд этилган. Ушбу модда ҳуқуқий демократик давлат қуриш белгиларининг инкор этиб бўлмайдиган асиомаси,

оламшумул ихтиролар билан бир қаторда, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган улкан муаммолар ҳам кириб келмоқда. Давлатнинг иқтисодий кудрати, халқаро нуфузи, демократик институтларнинг ривожидаражаси ахборот технологиялари тараққиётига боғлиқ. Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар сони бугунги кунда салкам ўн миллионга яқинлигини инобатга олсак, ахборот манбаи сифатида ОАВдан ташқари Интернетдан ҳам ахборот излаш кундан-кунга жадаллашмоқда. Бу эса қайси соҳага оид бўлишидан қатъи назар, Интернетнинг Миллий сегментига ўз ахборотларимизни тобора кўпайтириб боришни тақозо этади.

Мунозара сардори нотиққа «Мунозара» клуби иштирокчисининг саволи борлигини билдирди.

— Мамлакатимизда интернет тармоғидан фойдаланувчининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун жорий этилган қайси ҳуқуқий чора-тадбирлардан хабардорсиз, — дейди Фарҳод Омонов.

— 2013 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси ҳузурида янги тузилмалар — «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази ва Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу марказлар жамиятни, айниқса таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ахборотлаштириш ҳамда давлат органлари фаолиятининг функционал ва операция жараёнларини тизимли асосда қайта ташкил этиш ва шу билан бир-

ҳамда таълим муассасаси ёшларни интернетдан олинаётган ахборотларга танқидий ёндашиш ва унинг фойдали манбалари асосида ўз дунёқарашини кенгайтириш, гаразли маълумотларни инкор эта билиш идрокини шакллантириш учун масъул ҳисобланади.

Иккинчи нотиқнинг ҳам жавоблари иштирокчи-томошабинлар олқишлари билан баҳоланди.

— Дебат ички қоидаларига кўра, музокаралар расмий ва норасмий олаб борилса, бу галги баҳс фақат сиёсий регламент ҳамда жиддий ауроада тус олди, — дейди «Мунозара» клуби сардори Шахбоз Сайфуддинов. — Ҳатто нейтрал экспертлар ҳам жамоалар тақдим этган музокараларга ўз танқидий муносабатини билдиришди. Муҳокама бош мавзусидан ташқари қўшимча фикр-мулоҳазалар ҳам бугунги мунозарамиз қизикарли ўтишига ёрдам берди. Конституция — ҳуқуқларимиз кафолати эканлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари турли, ранг-баранг қарашлар билан таҳлил қилинди.

Университетда 2013 йили ташкил этилган ушбу дискуссия (таҳқиқ қилиш) клублари талаба-ёшларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, сиёсий, ижтимоий, мантиқий билимларини оширишга ҳисса қўшиб келмоқда. Улар ўтказган турли тадбирлар, баҳс-муозаралар, муҳокама этилган мавзулар университетнинг «dep.uz» газетасида чоп этиб келинмоқда. Баҳсда иштирок этолмаган ўқитувчи ва талабалар газетанда ёритилган мақола орқали маълумотга эга бўлади. Бу эса, клуб аудиториясини кенгайтиришга, мавқеи ва ривожини оширишга катта ҳисса қўшмоқда.

Маърифат ТЕМУРЗОДА,
«Ma'rifat» муҳбири

ҚИЁСЛАШ УСУЛИ

Ўқув машғулоти самарадорлигини оширади

«Ҳозирги ўзбек адабий тили» фани академик лицейларда чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлардан бири. Аниқ, табиий, иқтисодий йўналишларда бу фан бўйича соатлар миқдори бир хил. Бизнингча, она тили дарсларини йўналишга боғлиқ ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Масалан, «От ва унинг услубий хусусиятлари» мавзуси тушунтирилганда «мавҳум отлар» атамасини шундай изоҳлаймиз:

«Мавҳум отлар сезги аъзолари билан ҳис қила олинмайдиган отлардир. Анатомия фанидан олган билимларимизни синовдан ўтказиш учун сезги аъзоларимизни санаймиз:

1. Кўриш сезгиси.
2. Эшитиш сезгиси.
3. Хид билиш сезгиси.
4. Таъм билиш сезгиси.
5. Тери орқали сезиш.

Юқоридаги сезгилар орқали ҳис

этолмаган отларимиз мавҳум отлардир».

Ўқувчилар «Анатомия» ва «Ҳозирги ўзбек адабий тили» фанларининг бир-бири билан боғлиқлигини ҳис этишлари. Ёки «Сифат ва унинг услубияти» мавзусини олайлик. Бу мавзунини тушунтираётганда ўсимликлар ёки ҳайвонлар суратлари жойлаштирилган жадвалдан фойдаланишимиз мумкин.

Ботаника бўйича билимларни кўриқдан ўтказиш учун ўсимликларнинг хусусиятларини санаймиз: ранги, шакли, ҳажми, хусусиятлари (лола гулининг ранги қизил, банди ва барги яшил, шакли овал, қиррали). Агар зоология фани бўйича кўникмаларни ўрганиб чиқадиган бўлсак, ҳайвонларнинг ранги, ташқи кўриниши, ўзига хос томонларига эътибор берамиз (шер — тезкор, кучли, баҳайбат).

«Сон ва ўлчов сўзлар» мавзуси-

ни кимё фани билан боғлиқ ҳолда тушунтириш мумкин. Менделеев даврий жадвалидаги моддаларнинг молекуляр массаси, валентлиги, боғлари сони мавзунини қизиқарли ўтиш учун яхши восита ҳисобланади. Масалан, кислород элементининг тартиб рақами саккиз, молекуляр массаси ўн олти, валентлиги икки, боғи иккита. Соннинг барча маъно турларини шу зайлда элементлар мисолида ўқувчиларнинг фаол иштироки билан ҳам тушунтириш мумкин.

Фонетика мавзусини ўтиш пайтида ҳам фанлараро боғлиқликни яққол кўриш мумкин: нутқ товушларининг уч жиҳатидан биринчиси ҳисобланган физиологик хусусиятини изоҳлашда ўқувчи инсоннинг нутқ аъзоларини санайди. Улар: ўпка, ҳиқилдоқ, кекирдик, катта ва кичик тил, лаблар, товуш пайчалари, тиш ва ҳоказо. Шу тахлит

ўқувчи анатомия бўйича олган билимларини мустаҳкамлайди, фанларнинг бу ҳолатда бир-бири билан боғлиқлиги унда қизиқиш уйғотади. Шунингдек, бир-бири билан қариндош ҳисобланган тиллар шажараси ақс эттирилган тил дарраҳти тасвирида ҳам ботаника фани билан боғлиқликни ўқувчиларга намойиш этишимиз ва бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Академик лицейларнинг асосий вазифаси биттасурувчиларни олий таълим мисолларига йўналтиришидир. Агар уларнинг қарийб барчасида она тили ва адабиётдан тест синовлари топширилишини ҳисобга оладиган бўлсак, ўқувчилар табиий йўналишдаги асосий фанлар билан бир қаторда она тили ва адабиётни ўрганиши зарурлигини йўналиш билан боғлиқ ҳолда ўқувчиларга сингдира билишимиз керак. Чунки биз учун асосий натижа биттасурувчиларимизни зукко ва билимдон этиб тарбиялашдир.

Ирода ИШОНХОНОВА,
Тошкент фармацевтика институти
қошидаги академик
лицейнинг она тили ва адабиёт
фани ўқитувчиси

ОЛТИН ТАНГА, РАНГЛИ ТАСМА ВА СИРЛИ ҲАРФ

Ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини оширишда қўл келади

Болалар саволларга қайтарган ҳар бир тўғри жавоби ёки вазифаларни тўла-тўқис бажаргани муносиб баҳоланишини ис- тайди. Рағбат уларнинг фаоллигини, фанга қизиқишини ва диққат-эътиборини кучайтириб, ўз устида ишлашга ундайди. Шу боис ўқувчи билимини баҳолашда ноанъанавий усуллардан фойдаланиб, ижодкорона ёндашишга ҳаракат қиламан. Бу фаолиятимда жуда қўл келиб, самарали натижа бермоқда. Уларнинг баъзиларини ҳамкасбларим билан ўртоқлашмоқчиман.

«Билимлар ярмаркаси» усулига мувофиқ, дарс босқичлари ёки режасини ярмарка расталарига айлантираман. Ҳар бир савол ёхуд тест топшириғига берилган тўғри жавоб «олтин», «кумуш», «мис» ёки «танга» лар билан тақдирланади. Машғулот охирида йиғилган тангаларга қараб ўқувчиларнинг неча саволга жавоб бергани, нечоғлиқ фаол иштирок этгани маълум бўлади.

«Камалак» усулида етти хил рангли тасмалар ва кўчма доскадан фойдаланиш мумкин. Ўқувчиларга еттита вазифа берилиб, тўғри бажарилган ҳар бир топшириқ учун бир рангдаги лента тақдим этилади. Дарс сўнгидан энг фаол иштирок этган жамоа камалакнинг етти рангига ҳам эга бўлиб, голиб ҳисобланади.

«Мозаика» мавзуга тааллуқли расми қисмларга ажратишга асосланган усул бўлиб, уни қўллашда ўқув-

чининг ёш имкониятлари эътиборга олинади. Машғулот давомида тўғри жавоб берган ёки топшириқни бехато бажарган ўқувчига расмнинг бир бўлага тақдим этилади. Барча топшириқни бажарган жамоа расмнинг ҳамма қисмини қўлга киритиб, тўлиқ кўришда елимлайди.

«Яхшидан боғ қолади» усули гуруҳлар билан ишлашда кўпроқ қўл келади. Ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, жамоаларига мос ном танлашади ва ватман қоғозга ёзишади. Гуруҳнинг фаол иштироки учун ватманга биттадан яшнаб турган дарахт тасвири ёпиштирилади. Машғулот ниҳоясида оппоқ ватманда ажойиб боғ тасвири пайдо бўлади. Дарахтлар сони гуруҳлар баҳосини белгилайди. Айни шу жараёнда табиатни асраб-авайлаш, обод қилиш кераклигини ўқувчилар онгига сингдириш мумкин.

«Гулдаста» усули кичик гуруҳлар билан ишлаганда гоёат ажойиб, ноанъанавий рағбатлантириш имконини беради. Машғулот аввалида ҳар бир гуруҳ ўтирган столга гулдон қўйилади. Фаол иштирок этган жамоага биттадан гул берилади. Дарс сўнгидан гулдастасининг катталиғига қараб, голиб жамоа аниқланади. Бу усул дарсни юқори қайфиятда ўтказишни таъминлайди.

«Таълим турлари» усулида дарс босқичлари таълим турлари деб тасаввур қилинади. Масалан, ташкилий қисмини мактаб-

гача таълим десак, ўқувчи сана, об-ҳаво ва кун янгиликларини айтиб, бу босқичдан ўтади. Мавзунини мустаҳкамлаш қисмини эса умумий ўрта таълим деб оламиз. Берилган савол ва топшириқларни тўғри бажарган ўқувчилар «шаҳодатнома»га эга бўлади. Янги мавзу баёни ўрта махсус таълим босқичи деб тасаввур қилиниб, муваффақиятли иштирок этганларга «диплом» тақдим этилади. Мустаҳкамлаш босқичи олий таълимга қиёсланади. Ўқувчиларнинг иштирокига қараб, «бакалавр» ва «магистр» даражаси берилади. Бу усул орқали ўқувчига ўз олдига мақсад қўйиб, унга эришиш учун астойдил ўқиш, билим олиш ва меҳнат қилиш кераклиги, билим — завол билмас бойлик экани ўқитирилади.

«Сеҳрли сўз» усулининг сирини шундаки, дарсдаги ҳар бир тўғри жавоб учун ўқувчига биттадан ҳарф берилади. Ўқитувчи бу ҳарфлар ўз ўрнида жойлаштирилса, сеҳрли сўз топилшини айтади. Барча топшириқни бажарган ўқувчи ёки гуруҳ керакли ҳарфларнинг ҳаммасини қўлга киритади. Бу сўз, айниқса, дарсга тааллуқли, жумбоқли бўлса, болаларнинг фаоллиги янада ошади.

Меҳринисо ОМОНОВА,
Ғиждувон туманидаги
36-мактабнинг
миллий истиклол ғояси ва
маънавият асослари
туркумидаги фанлар
ўқитувчиси

Мактабгача та'лим

Туртқул туманидаги 1-мактабгача таълим муассасасида 320 болага таълим-тарбия бериламоқда. Тажрибали ва маҳоратли тарбиячилар кичкинтойлар билан инглиз тили, компьютер саводхонлиги, спортнинг каратэ ва бадий гимнастика турлари бўйича машғулотлар олиб бормоқда. Логопед, психолог, хореография ўқитувчилари машғулотларни «Қадам-бақадам» дастури асосида ўтишади. Болаларни мактабга тайёрлаш бўйича ҳар бир педагог аниқ режа асосида иш олиб боради.

15 ДАҚИҚАЛИ МАШҒУЛОТ

тарбияланувчиларнинг компьютер саводхонлигини оширишга бағишланади

— Мустақиллик йиллари МТМ ва тарбиячиларга қўйилган талаблар тубдан ўзгарди, — дейди муассаса мудираси Олмаҳон Хўжаниёзова. — Бу йиллар жамоамиз аъзолари учун ўсиш ва юксалиш даври бўлди. Масканимизда замонавий жиҳозлар билан таъминланган чет тили ва компьютер хоналари иш бошлади. Мусиқа ва спорт заллари замонавий таълим учун зарур бўлган барча керакли жиҳозлар билан таъминланди.

Икки йилдирки МТМдаги тўртта катта ва иккита мактабга тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларига ҳафтасига уч кун компьютер саводхонлиги машғулотини ўтилади. Гуруҳларнинг умумий рўйхати тузилиб, тарбиячилар кичкинтойларни белгиланган вақтга қараб компьютер хонасига олиб боришади. 15 дақиқадан иборат машғулотнинг 10 дақиқаси дарс ўтишга, 5 дақиқаси эса бола ақлини ривожлантирувчи ўйинларга ажратилган.

— Машғулотларда «Word» ва «Paint» дастурларидан фойдаланилади, — дейди тўғрақ раҳбари Илҳом Холбеков. — Болажонлар машғулотларда ўрганган ҳарфларини «Word» дастурида ёзишади. Математик амаллар-

дан фойдаланиб, 1дан 10гача бўлган сонларни қўшиш ва айиришни, ўқув йилининг охирига келиб эса кўпайтиришни ўрганишади. «Paint» дастурида эса турли геометрик шакллар чизиб, расмларни бўйша орқали рангларни ажратиш кўникмаси шакллантириб борилади.

Кичкинтойларга компьютернинг асосий қурilmаларини таъминлашда тарбиячилар ҳам яқиндан ёрдам беришади.

— Рўйхатга кўра 6 тарбияланувчидан иборат кичик гуруҳини компьютер хонасига жўнатганимиздан сўнг қолган болалар билан марказларда машғулотни давом эттираман, — дейди МТМнинг катта гуруҳ тарбиячиси Гулистон Мадраимова. — Нутқ ўстириш дарсида бирор эртакни ўқиб, тушунтириб бергач, болаларни кичик гуруҳларга бўлиб, марказларга жойлаштиришимиз. Эртак кўғирчоқлар ёрдамида саҳналаштирилади. Кичкинтойлар кўғирчоқлар тилидан гапирдиладир. Эртак қаҳрамонларининг суратлари компьютерда намойиш этилиб, кейинги машғулотда тарбияланувчилар шу расмларни бўйша билан машғул бўлишади.

Назозат САПАРБАЕВА

2014-yil 5-noyabr, № 89 (8738)

Педагог бўлганим боис «Ma'rifat» газетасини доимо кузатиб бораман. Нашрнинг шу йил 20 сентябрь, 76-сонидagi Олим Жумабоевнинг «Тафаккур тафти» мақоласини ўқувчиларим даврасида катта қизиқиш билан ўқиб чиқдик ва беихтиёр болалик дамларим ёдга тушди.

Онам Ҳалима ая жуда кўплаб лапар ва дostonларни ёддан билар, алла айтишда унга етадигани йўқ эди. Отам Аҳмадали ака китоб ўқиш ва йиғишга ихлосманд бўлиб, янги китоб сотиб

бўлади. Мен ҳам дарс жараёнида ўқувчиларнинг китобга меҳр-муҳаббатини оширишнинг турли усулларидан фойдаланаман. Буюк аллома ва мутафаккирлар ҳикматиани ўқувчиларим ёд олган ва бунга риоя қилмоқдалар.

Тез-тез ўтказилаётган фестиваллар болани китобсеварликка чорлайди. Мактаб-интернатимиз аниқ ва табиий фанларга ихтисослаштирилган бўлсада, китобхонликини доимо биринчи ўринга қўямиз. Ўқувчилар ўртасида «Ким кўп китоб ўқиган?» мавзусида тур-

Aks-sado

«МУАЛЛИМНИНГ КЎЗГУСИ ЙЎҚМИ?»

мақоласини ўқиб

«Муаллимнинг кўзгуси йўқми?» («Ma'rifat» 24.09.2014, 77-сон, муаллиф И.Орипова) мақоласи мактабимиз жамоасида катта қизиқиш ва эътибор билан ўқиб-ўрганилди. Мақола мазмун-моҳиятига кўра жуда долзарб. Ўқитувчи ўқувчининг кўз ўнгига адолат мезони, ибрат мактаби, ўзида инсоний фазилатларни шакллантирган ва ўзгаларни қадрлай оладиган сиймо сифатида гавдаланади. Муаллим касбий камолот даражаси қанчалик юқори бўлмасин, ташқи қиёфасига эътибор бермас экан, обрў-эътиборга эриша олмайдди. Ваҳоланки, одамнинг гўзаллиги суварати ва сийрат уйғунлигида намоён бўлади.

маданияти муҳим ўрин тутуди. Соч турмаги бeт-артиб бўлса, турли рангларга бўялса, пардозда ўта ёрқин рангдаги упа-элик, ўткир атирдан фойдаланилса, ҳаддан зиёд очик ҳарир либос кийилса, бу ўзбекиона урф-одатларимизга зиддир.

Ўқувчи тақлидга мойил. Ўқитувчи болани таълим-тарбия олишдан қалғитадиган ҳолатда мактабга келмаслиги лозим.

Педагог мавқеига зин-етадиган жиҳатлардан бири — ўз фанини пухта билмаслиги. Агар бу ҳолатга унинг кийинши маданиятсизлиги ҳам қўшилса, ўқувчининг педагогга нисбатан хурмати сўниши, фанга қизиқиши пасайиши мумкин. Ўқитувчи ҳар жиҳатдан болага намуна бўлсин. Зеро, бизнинг зимамизга жисмонан соғлом, маънавий етуқ, камил инсонни тарбиялаш, миллатнинг истиқболи учун қайғуриш каби масъулиятли вазифа юклатилганини унутмаслигимиз лозим.

Гулехра АШУРОВА,
Термиз шаҳридаги 13-мактаб ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси

Амир Темирнинг суюкли рафиқаси Сароймулкхонимни ўз кўзи билан кўрган испан элчиси Рио Гонзалес де Клавихо шундай ёзди: «...устида зарҳал билан тикилган, учлари ерга судралиб турган узун ва кенг шохи кўйлак. Кўйлакнинг белидан кесиб торайтирилмаган ҳолда этагичга жуда кенгайиб борган... Маликанинг тим қора сочлари оқасига тушиб турар эди (ўшанда Сароймулкхоним 63 ёшда бўлган). Улар қора сочни юксак қадрлайдилар, ҳатто сочни янада қорайтириш учун бўяйдилар». Бошқа тарихий манбаларда ёзилишича, Бибихоним сочлари қоп-қоралигича дунёдан ўтган экан.

Ойбек «Навой» рома-

нида Алишер Навоий қиёфасини шундай тасвирлайди: «Шоирнинг бошида учли кўк тақяга силлик ўралган кўркамина салла... Кенггина юзиде доимий тафаккурнинг асл маъноси, маънавий кудрат ва энгил гўзаллаштирувчи бир ҳорғинлик жилваланади. Қабарик қовқоқлари остидаги қийғоч кўзларида гўё тафаккур ва хаёл билан бирга қандайдир ирода кучи ифодаланади».

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, аждодларимиз ўзларига ўта эътиборли бўлган, кийинши маданиятига қатъий риоя қилиб, ораста кийинган, покиза, озода юрган.

Ўқитувчи қиёфасида кийинши ва сўзлашиш

КИТОБ ЎҚИШНИ БУГУНДАН БОШЛАНГ

олса, дастлаб бизга ўқитар, сўнгра ўзи мутолаа қиларди. Отам бир нечта янги китоб олиб келди, ака-укалар талашиб кетдик. Менга Саид Аҳмадининг «Уфқ» романи тегди. Ажабо, китобнинг эскириб, варақлари сарғайган. Янги китобларни оғаларим олиб қўйгани учун бироз ранжидим. Отам бизни кузатиб турган экан, олдимга келиб, мени юпатди:

— Ўғлим, сенинг китобинг кўринишдан эски бўлса-да, энг зўри. Ўқиб чиқсанг, ўзинг бунга амин бўласан!

Дарҳақиқат, китобни ўқий бошлашим билан ўзимни ўша давр ва асар қаҳрамонлари орасида юргандай ҳис қилдим. Танафусда, кўй боқишда, ўйинги, бўш қолдим дегунча, «Уфқ»ни ўқийман. Роман қаҳрамонлари кулса кулиб, йиғласа йиғлайман. Отам айтганидек, яхши асар экан. Шу тариқа китоб ўқиш менинг севимили машғулотимга айланди.

«Тафаккур тафти» мақоласида Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид таъкидлаганидек, маънавий етуқлик учун кўп мутолаа зарур. Ўқишни бугундан, ҳозирдан бошлаган бола кўпроқ билим олиш имконига эга

ли тадбир ва беллашувларни мунтазам ўтказиб келмоқдамиз. Ўқувчилар ўқиган китобларнинг қисқача мазмунли ва сифатли ижодий ишлар» танлови «Ким кўп китоб ўқиган?» мусобақасининг мантикий давоми бўлиб, ўқувчининг китобхонлигини яққол кўрсатади.

Таълим муассасамизда бадий асарлар тақдими қатъий режа асосида амалга оширилади. Китоб тақдимида синф раҳбари бош бўлиб, барча ўқувчиларни бахс-мунозарга чорлайди, ҳар бир ўқувчи фикр-мулоҳазаси баҳоланади ва тўплаган бали чорак якунида ҳисобга олинади.

Ўқитувчи ва мураббийлар кунда ўқувчиларим Тоҳир Маликнинг «Одамийлик мулки» асарини соғва қилишди. Мен ҳам отам сингари мазкур китобни дастлаб ўқувчиларимга ўқитиб, ҳар бирининг асар ҳақидаги фикрларини тингладим. Улар китобдан кўп нарса ўрганганидан хурсанд бўлдим.

Баҳромжон МАМАДАЛИЕВ,
Бувайда туманидаги 2-ИДУМ
директори ўринбосари

Eng obod ta'lim muassasasi

СЎЛИМ БОҒНИ ЭСЛАТАР МАКТАБ

Куз фасли таровати ўзгача: олтинранг тусда товланаётган дарахт барглари орасида гарқ пишган меваларни кўрганда киши қалби ажиб завққа тўлади. Айниқса, мактабга хусн бермиш табиатнинг бундай гўзаллигидан баҳраманд дилларда жўшқинлик, ўқиш-изланишга иштиёқ янада ортади. Яратувчанлик ғайрати жўш уради. Кўргонтепа туманидаги 39-умумтаълим мактаби ҳудудидаги олма дарахтлари экилган кичик интенсив боғ масканга кўркли куз тароватини бахш этмоқда.

Таълим муассасаси ҳудудида иккита боғ ташкил этилган бўлиб, «Экология боғи»даги ёнғок, гилос, олхўри, олма, анор каби 500 тупдан ортиқ мевали ҳамда «Ботаника боғи»даги қарағай, арча, япон сафораси, каштан каби манзарали дарахтлар, 50 тупдан зиёд кўпийиллик гул кўчатлари мактабга ўзгача чирой бағишлайди. Педагогик жамоанинг

ёш авлодга билим бериш, ўқитиш, ўргатишдан ташқари ҳудудни обод этиш иштиёқига ҳамжиҳатлиги боис дарахтлар баравж ўсмоқда. Тошкўрғон маҳалласига келган кишига мактаб сўлим бир боғни эслатади.

— Тажрибали боғбонимиз боғ учун масъул бўлса, мактабимиз ҳудуди тоза, озодалигига эса бутун жамоа — ўқитув-

чи-ю, ўқувчилар ўз ҳиссасини кўшишади, — дейди мактаб директори Нигора Иброҳимова. — Айниқса, кейинги йилларда ота-оналарнинг янги ташаббуси мактабимизни яшилликка буркади, десам муболага бўлмайди. Фарзанди 1-синфга қабул қилинган ҳар бир ота-она баҳорда мактаб ҳудудида янги кўчат ўтказлади. Ўқувчилар эса мактабни битиргунга қадар ўз дарахтларини парваришласани зиммасига олади. Ушбу ташаббус фарзандларимизда экологик маданиятни ривожлантиришда ҳам асқотаяпти.

Мактаб ҳудудининг ободлиги таълим сифати ва самардорлигининг ошиши, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кайфиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Гўзалликка бурканган масканда педагогларда ўқитиш-ўргатиш, ўқувчиларда эса билим олиш иштиёқига янада ошаётди. Буни мактаб ўқувчиларининг турли кўрик-танловлар, интеллектуал беллашувларда муваффақият қозонаётганида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, ўтган ўқув йилида 8-



синф ўқувчиси Умид Зиёйидинов «Энг янги тарих билимдони» танловининг кўйи босқичларида голибликни кўлга қиритиб, республика босқичида вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилди. Фан олимпиадасида 9-синф ўқувчиси Мухлиса Ҳақимова чизмачилик йўналиши бўйича, билимлар беллашувида эса 8-синф ўқувчиси Азизбек Абдуллаев инглиз тили бўйича вилоятда биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, мактабда ташкил этилган ўндан ортиқ спорт тўғаракларининг 16 нафар аъзоси вилоят терма жамоаси сафида ўз маҳоратини намоён этиб келмоқда.

Айни дамда 425 нафар ўқувчи таълим олаётган мактаб биноси 2012 йили БМТ Тараққиёт Дастурининг «Ўзбекистонда ижтимоий биноларнинг энергия самардорлигини ошириш» лойиҳаси молиявий кўмагида деворларига махсус қопламалар ўрнатилган ҳолда бунёд этилган бўлиб, синфхоналар, спорт зал, фаоллар зали ҳамда ошхона ёзда салқин, қишда илик бўлади.

— Янги ўқув йили ўқувчиларимиз учун янги қулайликлар билан бошланди, — дейди мактаб директори. — Инглиз тилини ўқитиш бўйича вилоятдаги 9та тажриба-синнов мактабларидан бири ҳисобланган муассасамиз яна 2та инглиз тили хонаси билан боийди, кабинетлар замон талаблари асосида жиҳозланди. Айниқса, яқинда келтирилган электрон доска чет тилини ўрганиш иштиёқигади ўқувчиларимиз қувончига қувонч қўшди.

Обод жойга барака инади. Мактаб жамоасининг яқдиллиги, ташаббускорлиги уларни муваффақият чўққиларига олиб чиқмоқда. Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган «Энг обод таълим муассасаси» кўрик-танлови яқуний натижаларига кўра, ушбу мактаб биринчилар сифидан жой олди. Бу ютуқли одимлар мактаб жамоасини янги-янги марралар сари ундаши табиий.

Орифжон СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» муҳбири



ЎЗ КУЙИНГИЗНИ ТОПИНГ!

Комусий олим Абу Али ибн Сино ўз асарларида мусиканинг ҳиссий таъсири ва руҳий касалликларни даволашдаги аҳамиятини кўп таъкидлаган. Беморларнинг томир уришига мос оҳангни танлаб бергани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Шунингдек, бола тарбиясидаги аҳамиятини таъкидлаган: «Боланинг миозини кучайтирмоқ учун икки нарсани кўлламоқ керак: бири — болани секин-аста тебратиш, иккинчиси — уни ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусика ва аллашдир».



San'at va siyrat

Дарҳақиқат, мусика илми юзасидан кўплаб олиму мутафаккирлар илмий ва амалий излашлар олиб боришган. Жумладан, Абу Наср Фиробийнинг «Мусика ҳақида катта китоб», «Ритмлар тартиби ҳақида китоб», Абу Али ибн Синонинг «Китоб аш-шифо» (мусикага оид махсус бўлим бор), «Тиб қонунари», Ал-Хоразмийнинг «Билмлар калити», Сайфуддин Урмавийнинг «Олижаноблик ҳақида китоб», «Шарафия китоби», Абдурахмон Жомийнинг «Мусика ҳақида рисола», Нажмиддин Кавкабий Бухорийнинг «Рисолаи мусикий», Дарवेशали Чангйининг «Тухфат ус-сурур», «Рисолаи мусикий» каби асарларида мусика, унинг инсонга таъсири ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирилган.

Италян уйғониш даврига оид чолгу асбобларида «Мусика қалби ва танани даволайди» деган ёзуви учратиш мумкин. XIX аср охирида невропатолог Жеймс Кор мусиканинг инсон организмига соғломлаштиришини илмий асосда ўрганди. Шундан сўнг махсус даволоччи концертлар ўтказила бошланган. Юз йил ўтгандан кейин бу усул, яъни мусикий терапия дунёнинг кўплаб бурчаларида, хусусан, Америка ва Европада кенг қўлланила бошланди.

Бир неча йил олдин Рим академияси олимлари мусиканинг инсонга таъсирини ўрганиб, депрессия, кўркүв, стресс, юрак касаллиги ва кон босимининг ошиб кетиши каби касалликларнинг 90 фоизини мусика ёрдамида даволаш мумкинлигини таъкидлашган.

Инсон миясининг ярим-шарлари мусикани бир вақтининг ўзида қабул қилади: чапиритми, ўнги эса тембр ва куйни. Секундига 2,4 Гцдан 4 Гцгача тебраниш частотасига эга ритмлар, инсон юрак уриши, нафас органлари тебраниш частотасига жуда яқин.

Мутахассисларнинг фикрича, композиторлардан Шопен, Бетховен асарлари инсоннинг ўзини англашига, туйғуларни фаҳмлашига ёрдам беради. Чайковскийнинг симфонияси кўнгилни дард, ёкимсиз хотирадан тазалайди. Брамс, Бах ҳамда Листнинг майин куйлари тортинчоқликни енгишга, дилдагини очик ифода этишга кўмаклашади. Шостаковичнинг мусикаси салбий

эмоция(адоват, хусумат, гинагидир, газаб, қахр, аччиқ, жиззакилик)ни назорат қилиш учун қулай. Моцарт ва Бизе, Штраус, Кальма ҳамда Легарнинг рақс мусикаси ҳаётга умид уйғотса, Шопени тинглаш оламга неқбин назар билан қарашга ундайди.

Ритм — мусиканинг юраги. Мусика терапиясининг ҳам асосий даволоччи воситаси ритмдир. Табиатдаги барча нарсалар аниқ бир ритмга бўйсунди. Инсон организми ҳам бундан мустасно эмас.

Ҳар бир инсон органи ўзининг тебранишига мос товушлар ва чолгу асбобларининг ритмини танлайди. Орган фаолияти бузилса, бошқа ритмда ишлашни бошлайди, унинг тебраниш кучи, частотаси ўзгаради. Бунга мисол — хаста юрак. Айни мана шу ерда мусика ёрдамга келади. Агар киши оғриётган органининг ритми қайси чолгу асбобидан янграётган ритм билан ўзаро мослигини билса ва доимий тарзда «шифо» ритмларини эшитса, яна олдинги ҳолатига қайтади.

Инсон юрагининг тебраниш частотасига яқин чолгу асбоби Европада гитара ҳисобланса, бизда танбурдир.


Америкалик нейробиолог Жон Хюжес оғир шаклдаги тутқаноқ касаллигига чалинган 36 мижозига Моцарт асарларининг таъсирини текшириб кўрди. Олим мусика эшитиш пайтида ва эшитишгача бўлган вақтда мижозларнинг бош мия биотокларини ёзиб олди. Гурӯҳдаги 29 беморда тутқаноқ тутган пайти Моцарт мусикаси эшиттирилганда кўп ўтмай тутқаноқ пайсаяғи кузатилган. Эшиттирилмаганда эса беморларда ҳеч қандай ўзгариш сезилмаган. Классик асарлар, ҳақиқатан ҳам, миани соғломлаштиради.

2009 йили Моцарт мусикаси вақтидан олдин (чала) тугилган болаларда метаболизм (организмда моддаларнинг алмашинуви) жараёнини тезлаштириши ҳақида хабар тарқатилди. Исроил олимлари Тель-Авив тиббий марказида дастлаб чала тугилган чақалоқларга Моцарт мусикасини кетма-кет икки кун 30 дақиқадан эшиттирилган ва уларнинг модда алмашинуви текширилган: Моцарт мусикасини эшитаётган пайтда ўртача 10—30 дақиқа давомида чақалоқларда модда алмашинуви жараёни тезлашган.

Мусика инсонни ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан даволоччи восита. Агар ўзимизга мос ритмни мусикаларни доимий тарзда тингласак, соғлигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган бўлаемиз.

Ваҳобжон ҲРОЗМЕТОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси

Хислат бу йил Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежини тамомлаб, Ўзбекистон давлат консерваториясига давлат гранти асосида ўқишга кирди. У хушхабарни биринчи бўлиб устози Лола Саидмуҳаммедовага етказишни истади. Хислатнинг истеъдоди сайқалланишига коллежининг академик вокал ўқитувчиси Лола опанинг кўп меҳнати синган. Ўқиш даврида устози унга бор билими, меҳрини берди, иккиланган дамларида келажакка ишончини оширди. Дарслардан кейин алоҳида вақт ажратиб, академик вокал йўналишида сабоқ бериб, таълимнинг кейинги босқичига пухта тайёрлади. Бу орада у Қўрқмас Муҳаммадиев номидаги академик хонандалар 1-кўрик-танловининг «Энг яхши ижрочиси», «Энг яхши ўзбек ва рус романс ижрочиси» ва «XX асрда ёзилган энг яхши романс ижрочиси» танловлари ғолиби бўлиб кўпчиликнинг эътиборига тушиб улгурди.



ЮТУҚЛАР ТАСОДИФ ЭМАС

замонавий шароит ва изчил саъй-ҳаракатлар бунга асос бўлмоқда



Айни дамда коллежининг 13та кафедрасида 139 нафар 36 мижозига Моцарт асарларининг таъсирини текшириб кўрди. Олим мусика эшитиш пайтида ва эшитишгача бўлган вақтда мижозларнинг бош мия биотокларини ёзиб олди. Гурӯҳдаги 29 беморда тутқаноқ тутган пайти Моцарт мусикаси эшиттирилганда кўп ўтмай тутқаноқ пайсаяғи кузатилган. Эшиттирилмаганда эса беморларда ҳеч қандай ўзгариш сезилмаган. Классик асарлар, ҳақиқатан ҳам, миани соғломлаштиради.

2009 йили Моцарт мусикаси вақтидан олдин (чала) тугилган болаларда метаболизм (организмда моддаларнинг алмашинуви) жараёнини тезлаштириши ҳақида хабар тарқатилди. Исроил олимлари Тель-Авив тиббий марказида дастлаб чала тугилган чақалоқларга Моцарт мусикасини кетма-кет икки кун 30 дақиқадан эшиттирилган ва уларнинг модда алмашинуви текширилган: Моцарт мусикасини эшитаётган пайтда ўртача 10—30 дақиқа давомида чақалоқларда модда алмашинуви жараёни тезлашган.



дан, «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши» йўналиши бўйича 14та фандан намунавий ўқув дастурлари яратилган.

— Таълим муассасамизда амалиётлар режа асосида ташкил этилади, — дейди директорнинг ўқув ишлари бўлими раҳбари Насиба Йўлдошева. — Мусика йўналишидаги ўқувчилар МТМ, умумтаълим мактаби ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ҳафтага бир марта амалиёт ўташади. Жисмоний тарбия ва бошланғич таълим муассасаси ҳисобланади. Коллеж ўқитувчилари томонидан шу йўналишдаги таълим муассасалари учун намунавий ўқув режа ва дастурлар ташкил қилинди. Айни пайтда «Мусика таълими» йўналиши бўйича 11та фандан, «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши» йўналиши бўйича 14та фандан намунавий ўқув дастурлари яратилган.

Коллеж ўқитувчилари Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчи-профессорлари билан ҳамкорликда «Ритмика», «Ўзбек бўйича ўринбосари Насиба Йўлдошева», «Адабиёт», «Мусика тўғрисидаги таълим муассасаси» каби ўқув қўлланмаларини чоп эттирилди.

Мазкур муассаса замонавий техник воситалар билан тўлиқ жиҳозлангани боис, дарслар илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этилади. Ўқувчилар эса фантехниканинг энг сўнгги ютуқлари билан танишиши, халқаро тажрибаларни ўрганиш имконига эга. Ҳозир таълим муассасасида 1300га яқин ўқувчи «Ихтисослаштирилган ва бошланғич таълим муассасаларида тарбиячи», «Жисмоний тарбия ва болалар спорти бўлими мураббий», «Мактабгача таълим муассасасида тарбиячи», «Мусика ходими», «Ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси» ҳамда «Архив-шўнаслик ва иш юритиш» мутахассисликлари бўйича билим олмақда.

— Коллежга ўқишга қабул қилинган ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлаш

Мусика санъатидаги асосий фаолиятлардан бири мусика ижрочилигидир. Зур ижронинг тинглаб, лаззат қувонч туйғуларини ҳис этиш, юнонлар айтганидек, «катарсис» — ички, руҳий покланиш ва янгилашни жараёнини бошдан кечирамиз.

Мусика санъатидаги асосий фаолиятлардан бири мусика ижрочилигидир. Зур ижронинг тинглаб, лаззат қувонч туйғуларини ҳис этиш, юнонлар айтганидек, «катарсис» — ички, руҳий покланиш ва янгилашни жараёнини бошдан кечирамиз.

Ижрочи — бастакор, композитор ва тингловчини боғлаб турувчи халқ. Мусикий ижрочилик санъати муваффақияти чолғунинг ўзига хос хусусияти, яънахон ва оммавий ижрочилик шакли, асарнинг жанри, қолаверса, биринчи ўринда ижодий индивидуаллик, ижрочининг профессионал тайёргарлиги, маҳорати ва қўлчанлиги билан боғлиқ. Ижрочи учун тингловчи психологиясини тушуниш ва ҳис этиш, эстетика, аудитория кайфиятини тўри англаш, муаллиф фикрини моҳирлик билан етказиб бериш, тингловчида ғўзал эстетик ҳиссиётларни уйғотиш мусика аҳамияти касб этади.

Мусикий идрок психологияси — мусикани тинглаб идрок этиш ҳам худди мусика ёзиш ва ижро этиш сингари мусика санъатидаги асосий фаолият тури. Қолаверса, тингловчисиз мусика санъати ўз маъносини йўқотади, яънахон тўхтаб қолган. Мусика тинглаш ва уни идрок этиш малакаси болаликдан сингдириб борилади. Мусикани барча эшитишди, бироқ уни ҳамма ҳам идрок эта олмайдди.

Мусикани тинглаш жараёнида идрок этиш тингловчининг умумий маданияти ва мусикий тайёргарлик даражасига боғлиқ, яъни унга тўри пропорционал дур. Мусикий асарнинг тўлиқ ва чуқур идрок этилиши композитор ва ижрочи маҳоратини борича намоён этади. Мусика фани ўқитувчилари ўқувчилар

Отабек ОТАЁРОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Б.РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

МУСИҚА ПСИХОЛОГИЯСИ

Мусика фанини ўқитишда ўқувчи психологиясини билиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларидаги мураккабликларга ечим мусика психологияси орқали ҳам топилади.

Мусика психологиясини қўйидаги асосий йўналишларга бўлиш мумкин: ижодкорлик; ижрочилик; мусикий идрок; таълим-тарбия; мусикашунослик; тарғибот ва маърифат; техник таъминот; функционал; психотерапевтик.

Мусикий ижод психологияси бастакор ва композиторларнинг ҳаёл, тасаввур, мусика яратиш билан боғлиқ фаолиятдир. П.И.Чайковский бу ҳақда шундай деган: «Илҳом келган пайти одатдаги ҳолатдан чиқа бошлайсан. Бир фикр бошқа бирини ҳайлан қўйиб қўлади. Ноталарни ёзиб улгурмайсан. Янгидан янги мусикий образлар тугилади, бу тушунтириб бўлмаган илҳом туйғусидир». Композитор нота ёзиш билан бирга асарни тингловчига аниқ етказиб бера оладиган ижрочини ҳам яхши тасаввур қилиши керак.

Мусика санъатидаги асосий фаолиятлардан бири мусика ижрочилигидир. Зур ижронинг тинглаб, лаззат қувонч туйғуларини ҳис этиш, юнонлар айтганидек, «катарсис» — ички, руҳий покланиш ва янгилашни жараёнини бошдан кечирамиз.

Ижрочи — бастакор, композитор ва тингловчини боғлаб турувчи халқ. Мусикий ижрочилик санъати муваффақияти чолғунинг ўзига хос хусусияти, яънахон ва оммавий ижрочилик шакли, асарнинг жанри, қолаверса, биринчи ўринда ижодий индивидуаллик, ижрочининг профессионал тайёргарлиги, маҳорати ва қўлчанлиги билан боғлиқ. Ижрочи учун тингловчи психологиясини тушуниш ва ҳис этиш, эстетика, аудитория кайфиятини тўри англаш, муаллиф фикрини моҳирлик билан етказиб бериш, тингловчида ғўзал эстетик ҳиссиётларни уйғотиш мусика аҳамияти касб этади.

Мусика санъатидаги асосий фаолиятлардан бири мусика ижрочилигидир. Зур ижронинг тинглаб, лаззат қувонч туйғуларини ҳис этиш, юнонлар айтганидек, «катарсис» — ички, руҳий покланиш ва янгилашни жараёнини бошдан кечирамиз.

Ижрочи — бастакор, композитор ва тингловчини боғлаб турувчи халқ. Мусикий ижрочилик санъати муваффақияти чолғунинг ўзига хос хусусияти, яънахон ва оммавий ижрочилик шакли, асарнинг жанри, қолаверса, биринчи ўринда ижодий индивидуаллик, ижрочининг профессионал тайёргарлиги, маҳорати ва қўлчанлиги билан боғлиқ. Ижрочи учун тингловчи психологиясини тушуниш ва ҳис этиш, эстетика, аудитория кайфиятини тўри англаш, муаллиф фикрини моҳирлик билан етказиб бериш, тингловчида ғўзал эстетик ҳиссиётларни уйғотиш мусика аҳамияти касб этади.

Мусикий идрок психологияси — мусикани тинглаб идрок этиш ҳам худди мусика ёзиш ва ижро этиш сингари мусика санъатидаги асосий фаолият тури. Қолаверса, тингловчисиз мусика санъати ўз маъносини йўқотади, яънахон тўхтаб қолган. Мусика тинглаш ва уни идрок этиш малакаси болаликдан сингдириб борилади. Мусикани барча эшитишди, бироқ уни ҳамма ҳам идрок эта олмайдди.

Мусикани тинглаш жараёнида идрок этиш тингловчининг умумий маданияти ва мусикий тайёргарлик даражасига боғлиқ, яъни унга тўри пропорционал дур. Мусикий асарнинг тўлиқ ва чуқур идрок этилиши композитор ва ижрочи маҳоратини борича намоён этади. Мусика фани ўқитувчилари ўқувчилар

Отабек ОТАЁРОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Б.РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

Мусикашунослик, мусика тарғиботи ва мусикий маърифат психологияси санъатни ўрганиш ва тарғиб этишга йўналтирилган. Мусика тарихчилари, танқидчилари, назарийчилари, тарғиботчилари мусика санъати ҳақидаги фанларни ўрганишда, таҳлил қилишда, бойиштиришда, ривожлантиришда ҳамда клуб, истироҳат боғлари, дам олиш уйлари, радио, телевидение, матбуот ва бошқа жойларда омма ўртасида маданий-маърифий ишларни олиб боришади.

Мусикий маърифат аудиторияни санъат, ҳажон мусика маданиятининг дурдоналари ва ютуқлари билан таништирилади. Мусика психологияси мусикашуноснинг интеллектуал ва фикрлаш фаолиятини ҳамда бастакор, композитор, ижрочи, тингловчи ўртасидаги ўзаро муносабатларининг психологик хусусиятларини ўрганади.

Мусика санъатининг техник таъминоти ва техник жиҳозланиши психологияси. Мусика санъатининг техник таъминоти, техник жиҳозлашда мутахассислар махсус техник билимлар билан бир қаторда мусикий билим, чолғуларни ясаш, таъмирлаш, сошлаш, мусика ёзиш ва эшитиш мосламалари билан ишлаш керак бўлидиган кўндалма қўлдан эгга бўлади, шунингдек, спектакль, концерт, телеконтур ва радиоэшиттиришларга постановкаси ва режиссурасидан хабардор бўлиши керак. Замонавий мусика санъати янги технологияларга тобора кўпроқ таяниб бормоқда.

Функционал мусика ёрдамида кундалик маънавий ҳаётга эстетика бахш этилади. Айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида бу турдаги мусика меҳнат самардорлигини оширади. Меҳнат жараёнида мусикадан фойдаланиш кечраки ритмни ўрнатди, иш самардорлигини ошириш, чарқоқни чиқариш, ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишга кўмаклашади.

Мусикий психотерапия. Соғломлаштириш мақсадида фойдаланиладиган мусика мусикий психотерапияда ўрганилади. Бунинг учун тинглаш ва ижод қилишга мўлжалланган мусика тавсия этилади. Айни пайтда мусикий психотерапияни ривожлантириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Фан ўқитувчиларининг мусика психологиясини яхши билишлари дарс ўқишни оsonлаштириши баробарида, ўқувчиларнинг пухта билим эгаллашларига ёрдам беради.

Маҳкамжон АХМЕДОВ,
Анджон ВЛКҚТМОЙ
«Жисмоний маданият ва амалий фанлар» кафедраси мудири

ДАРС ЖАДВАЛИ

ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Дарс жадвали талабанинг бир ҳафта мобайнида таълим олишга ажратадиган вақти тақсимотини мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Шу тартиб асосида талаба аудиторияда, лабораторияда вақтини ўтказиши. Эсимда, 1-курсда таҳсил олаётганимизда сешанба кuni биринчи парададан сўнг, дарс жадвалига кўра, иккинчи ва учинчи паралар вақтида узоқ танаффус белгиланган бўлиб, тўртинчи парада яна дарсимиз бор эди. Ўртадаги бўш соатларни қандай ўтказишни билмасдик, фикримиз чалғиб кетарди.

Охириги соатларда ўртадаги узилиш сабабли талабалар сафи сийраклашиб, даволат паст бўларди. Муаммони бартараф этиш учун ўқитувчимиз, деканат билан келишган ҳолда, тўртинчи парани иккинчи парага кўчирди. Натижа эса кутилганидан ҳам аъло бўлди. Даволат кўтарилди, талабалар фаоллашди.

Демак, дарс жадвали ўқув жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Бу тартиб ўқиш сифати ва самарадорлигига таъсир кўрсата олади. Шундай экан, дарс жадвали қай тартибда тузилиши керак? Бу борада аниқ бир мезон борми? Дарс жадвалининг тузилиши талабанинг билим олишига қандай таъсир кўрсатади? Ўқитувчининг фикри дарс жадвалини тузишда қай даражада аҳамият касб этади? Бўш соатлар қолдирилиши қандай ўринларда кўзда тутилган?

— Дарс жадвали ишчи ўқув режадаги ўқув йилининг айна семестри учун режалаштирилган ўқув фанлари асосида тузилади, — дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети унинг ишлари бўйича проректори Дилшод Эргашев. — Бундаги асосий мезон унинг илмий асосда тузилиши лозимлигидир. Биринчи ва иккинчи паралар асосан назарий таълим учун ажратилса, учинчи ва тўртинчи параларга амалий сабоқлар, шунингдек, ақлий зўриқишни талаб этмайдиган жисмоний маданият, валеология дарслари қўйилади. Дарс жадвалини тузишда талабаларнинг ёш хусусияти, олий таълим муассасасининг аудиториялар сони ҳисобга олинади. Қолаверса, айни кунда ахборот-коммуникация технологияларининг мавжудлиги ҳам инобатга олинмоқда. Аслида, машғулот биринчи парада ўтиладими, учинчи парадами, талабанинг қизиқиши юқори бўлса, профессор-ўқитувчилар талабанинг шу фанни ўзлаштиришга мотивациясини шакллантира олса, янги-

ликлар, интернет материалларидан кенг фойдаланилса, албатта, ижобий самара беради. Дарс қайси соатда ўтилишидан қатъи назар, самарадорликка эришиш асосий талабдир.

Шунингдек, талабанинг ўқув ва мустақил ишлар учун бир ҳафтalik ўқув юкласи 54 соатдан ошмаслиги керак. Бу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган. 54 соатнинг 36 соати аудиториядаги дарс машғулоти, қолган 18 соати мустақил таълим учун ажратилади. Дарс жадвалини тузишда белгиланган ўқув юкласига таянилади. Мутахассислик нуқтаи назаридан ўқув режадаги фанлар бўйича машғулоти ўттиш тартиби турлича бўлиши мумкин. Жумладан, жисмоний маданият фанидан асосан амалий машғулотлар ўтилади. Чет тиллар бўйича ҳам маърузалар ўқилмайди. Тарих йўналишида маъруза соатлари кўпроқ бўлса, кимё, физикада лаборатория машғулотларига кўпроқ соат ажратилади.

Дарс жадвалини тузишда психологик омилларга таяниш зарурмикан? Бу борада

мутахассислар нима дейди?

— Дарс жадвалида қайси ўқув фани биринчи ёки иккинчи парада қўйилиши эмас, уларнинг қандай кетма-кетликда қўйилиши аҳамиятли, — дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Педагогика-психоло-

Oliy ta'lim

гия қайта тайёрлаш курси раҳбари Феруза Алимова. — Ҳар бир одамнинг ўз биологик фаол соати бор. Бироқ дарс жадвалини тузишда ҳар бир талабанинг биологик соатлари билан ҳисоблашишнинг имкони йўқ. Шундай бўлса-да, барча ҳолатлар учун умумий бўлган бир неча тавсияларни бериш мумкин. Одатда биринчи параларга қийин, мураккаб дарсларни қўйиш керак эмас. Чунки одам яқинда уйкудан турган, кўчадан келган бўлади. Дарсларга киришиб олгандан кейин иккинчи-учинчи параларга 1-блок фанларини қўйиш мумкин. Шунингдек, биринчи парадан кейин бўш соатларни қолдириб бўлмайди.

Боиси, ўртадаги узилиш диққатнинг бўлиниши, ўқишга иштиёқнинг сустайишига сабаб бўлади. Қайсидир кунларда ўқув юкласи кўп бўлиши зўриқишга, диққат ва хотира имкониятлари билан ҳисоблашмасликка олиб келса, қайсидир кунда сабоқларнинг қамлиги яқовликка сабаб бўлиши мумкин. Баъзи ўринларда қаттиққўл ёки машғулоти жуда қизиқарли ўтадиган тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг дарси биринчи параларга қўйилиб, кеч қолиш ҳолатларини бартараф этишга, юқори даволат кўрсаткичи ва таълим сифатига эришилади. Демак, дарс жадвалини тузишда ҳам ижобий маънодаги бу каби «тактика»ни ишлатиш мумкин.

Назария ва амалиёт мутаносиблиги, уларнинг бирлиги доимий эътиборда. Бу икки жиҳат ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш билимнинг мустаҳкамлигига асосидир.

— Одатда, ўқув йили бошида дарс жадвалига назарий машғулотлар қўйилади, — дейди ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети «Халқаро журналистика назар-

ияси ва амалиёт» кафедраси ассистенти Ўткирқодхон Отақуллова. — Назарий машғулотлар тугагандан кейин амалий машғулотлар бошланади. Бу дарс жадвалини тузишдаги мезонлардан биридир. Талаба назарий машғулотларда маъруза ҳафтада ва керакли маълумотларни қайд этиб боради. Амалий машғулотда эса талаба олган билимларини таянган ҳолда жавоб бериши керак. Бироқ шу мезон айрим талабаларни дангаси қилиб қўяди. Сабаби, улар ҳали вақтимиз бор, ҳозир ўқитувчининг навбати, маърузада жавоб беришим шарт эмас, амалий машғулотда ўзимни кўрсатаман, деб ўйлашади. Шу боис ҳар бир фан бўйича маъруза ва амалиёт дарслари тенг олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Талаба тилида «окно» деб аталадиган бўш соатлардан ҳам мақсадли фойдаланиш мумкин. Гуруҳ аъзолари йиғилишиб ўзаро мулоқотлар олиб боришса, талабалар орасида умумий муҳит шаклланишига ёрдам беради.

Талабаларнинг олтин дақиқалари дарс жадвали тарзида кунларга тақсимланади. Унинг ҳар бир сониясидан унумли фойдаланиш ўқитувчининг маҳоратию талабанинг масъулиятига боғлиқ. Дарс жадвалининг тузилишига эътибор қаратиб ҳам таълим ва тарбия жараёнидаги кичик бўлса-да ижобий натижага эришилса, бу имкониятдан ҳам фойдаланиш керак. Зеро, таълим-тарбия жараёнида аҳамиятсиз нарсанинг ўзи бўлмайди.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ҚУЛАЙ ВА ТЎҚИС ШАРТ-ШАРОИТ

талабаларнинг ўқиб-изланишида муҳим омил вазифасини ўтайпти

Талабаларнинг илк дарслари. Ёп-ёруғ ва шинам аудиториядаги йигит-қизларнинг кўзларида қувонч, юзларида нур. Чунки улар бу йил талабалик бахтига мушарраф бўлишди.

— Дафтарим муқовасига «Тошкент давлат аграр университети талабаси» деб ёзаётган, кўларим ҳис-ҳаяжондан титраётганини, юрагим ҳаққираётганини сездим, — дейди мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультети 1-курс талабаси Мадина Темирова. — Тест синовларига пухта тайёрланиб, юқори балл билан давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Университетим дарвозасидан кириб келар эканман, ранг-баранг гуллар, мевали дараклар билан безанган ҳовли, замонавий шарт-шароитларга эга, кенг ва шинам ўқув хоналари, лаборатория ва спорт-соғломлаштириш жойларини кўриб, мустақил юрт фарзанди эканимдан фахрланиб кетдим. Ичимдан ифтихор туйғусини ҳис этдим.

Мадинанинг дилидан кечаётган бу туйғулар аудиторияни тўлдирган ҳар бир ўғил-қизнинг юз-кўзида ўз ифодасини топган. Айниқса, 3та

талабалар тураржойи янгидан реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, янги ўқув йили арафасида талабалар ихтиёрига топширилгани уларнинг қувончига қувонч қўшди.

— Ҳозир 24,5 гектар ер майдонига эга университет ҳудудида ташкил этилган «Талабалар шаҳарчаси»да 5та талабалар тураржойи фаолият кўрсатмоқда, — дейди «Талабалар шаҳарчаси» дирекцияси директори Чори Бегимқулов. — Унда катта спорт комплекси, 13 та спорт секцияси, очик ва ёпиқ спорт майдончалари, сув ҳавзаси, кураш, баскетбол, футбол, бокс, енгил атлетика ва гимнастика тўғарак-заллари мавжуд. Қолаверса, шаҳарча ҳудудидаги замонавий поликлиника куну тун фаолият кўрсатаётти. Шу билан бирга, талабалар тураржойининг ҳар бирида ташкил этилган тиббиёт бўлими ва изолятор хоналарида тиббиёт касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизлар бемор талабаларга биринчи тиббий хизматни кўрсатишади.

— Талабаларнинг илк саналари жуда сермазмун ўтмоқда, — дейди

Мадина. — Барча шарт-шароитларга эга тураржойимизда ишлаб турган чет тили ва турли қизиқишларга оид тўғараклар, дам олиш, маънавий хоналари мен ва курсдошларимни жуда қувонтирмоқда. Айниқса, фарзандини кўргани келган ота-оналар учун «Ота-оналар меҳмонхонаси» ташкил этилгани ҳаммасидан ажойиб! Бу каби қулайликларни кўриб, янада кўпроқ ўқиб-ўргангизми келади, биз ёшларга кўрсатилаётган юксак ишончи оқлаш мақсадида гайратимиз ошади.

Jarayon

— Талабаларнинг ландшафт дизайни бўйича муваффақиятли ёқланган битирув-малакавий ишлари университет бюджетидан молиялаштирилиб, шаҳарча ҳудуди ободлиги ва безагида фойдаланиб келинмоқда, — дейди мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультети деканнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари Бахтиёр Ҳайдаров. — Шунингдек, талабалар тураржойларида бошқарувнинг янги тизими жорий этилиб, ёшларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ташкил этилди. Тартиб-интизом ва хавфсизликни янада мустаҳкамлаш

мақсадида талаба йигитлардан таркиб топган «Камолот» ЁИҲнинг «Посбонлар гуруҳи» фаолият юритмоқда. Бу каби янгиликлардан мақсад, талабалар тураржойи дам олиш ва яшаш масканигина эмас, маънавий тарғохи эканини англатишдан иборатдир.

— Бугунги ёшлар учун яратилаётган бу каби имкониятлар эвазига улардан фақат ўқиб-изланиш, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб этиши талаб этилади, — дейди 14-талабалар тураржойи мудир Сиёвуш Маҳмарасулов. — Талабаларнинг ўқишдан ташқари вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ҳафтанинг ҳар жума кuni «Маънавий-маърифат кuni» деб эълон қилинган. Унга таникли шоир ва ёзувчилар, санъат арбоблари, профессор-ўқитувчилар тақдир этилиб, «Энг яхши китобхон», «Энг намунали хона», «Энг яхши гул парварилловчи» каби танловлар ўтказилиб борилиши, талабаларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими тартиби такомиллаштириш, маънавий дунёқараши ўсиб боришига сабаб бўлмоқда.

Маърифат ТЕМУРЗОДА,
«Ma'rifat» мухбири

2014-yil 5-noyabr, № 89 (8738)

ЕТАКЧИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

ушбу саволга республика ўқув-семинарида ойдинлик киритилди

Бўстонлик туманидаги пурвиқор тоғлар бағрида жойлашган «Камолот» ёшлар оромгоҳи ҳар доимгидек гавжум. Дам олиш масканида бу сафар ўқувчилар эмас, балки педагоглар жам бўлишди. Оромгоҳда Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ходимларнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш мавзусида республика ўқув-семинари ўтказилди.

140 нафардан ортиқ маънавий-ахлоқий тарбия йўналиши мутахассислари уч кун давом этган семинарда тажрибаларини бойитиб, ўзаро фикр алмашдилар. Ўқув машғулотларида «Соғлом бола йили» давлат дастури, Президентимизнинг қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури»да белгиланган вазифалар ижроси бўйича маърузалар тингланди. Тажрибали мутахассислар томонидан ижтимоий

ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти фаолиятини моддий-техник, услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, иш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Машғулотларда илгор тажрибага эга, малакали педагоглар фаолияти, «Камолот» ЁИХнинг бошланғич ташкилоти аъзолари учун ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти ҳамда истеъдодли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли саъй-ҳаракатлар ҳақида атрофлича сўз юритилди. Шунингдек, иқтидорли ўғил-қизлар учун яратилган шaroит ва улар қўлга киритаётган натижаларда бошланғич ташкилот етакчиларининг ўрни борасида маълумот берилди.

Семинар доирасида кино ижодкорлар билан учрашув, режиссёр Хиллол Насимовнинг «Гумроқлар» бадиий фильми намойиши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

О'қув-seminar



Жамолiddин КАМОЛОВ, Халқ таълими вазирлигининг маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи:

— 2012 йил 27 февралда Халқ таълими вазирлиги ва «Камолот» ЁИХ марказий кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» қўшма қарори қабул қилди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ ҳамкорликда бир қатор лойиҳа, кўрик-танлов ва беллашувлар ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, мазкур ўқув-семинар илк бор педагоглар учун ўтказилаётир. Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича мутахассислар уч кун мобайнида гўзал табиат қўйнида дам олиш, тажрибаларини ошириш имконига эга бўлдилар. Катнашчиларга малакали тренерларнинг сабоқлари, ҳамкасблардан ўзлаштирилган тажриба келгусида қўл келиши, шубҳасиз.

Сарвар АШУРОВ, «Камолот» ЁИХ марказий кенгаши раиси ўринбосари:

— Бугун умумтаълим мактабларида ижтимоий ҳаракатнинг 9642та бошланғич ташкилоти бўлиб, 1,8 миллионга яқин «Камолот» ва қарийб 2 миллион «Камалак» аъзоларини ўз атрофига бирлаштирган. Ёш авлодни тўғри йўлга йўналтириш, истеъдодли ўғил-қизларни рағбатлантиришда бошланғич ташкилот етакчиларидан алоҳида билим ва маҳорат талаб этилади. Таълим муассасаси маънавиятчилари эса етакчиларни тайинлайди. Ҳар томонлама

фаол, ёшларни бирлаштира оладиган, турли танлов, мусобақа ва беллашувлар уюштирадиган етакчилар сайлансагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Ўқув-семинар машғулотларида мана шундай масалалар, бошланғич ташкилотларда вужудга келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари, иқтидорли ўқувчилар қобилиятини юзага чиқариш усуллари каби долзарб мавзулар бўйича машғулотлар ташкил этилди.

Сулуҳан ДУРСИНБЕТОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани ХТМФМТТЭБнинг маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи:

— Туманимиздаги 6бта мактабда 13 мингга яқин «Камолот», 11 мингдан ортиқ «Камалак» аъзолари бор. Бу йил «Энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси» кўрик-танловининг ҳудудий bosқичида туманимиздаги 7-, 69- ва 1-умумтаълим мактаби етакчилари — Азиза Айтбоева, Нодира Абдуҳолиқова, Наргиза Танимуродова юқори ўринларни қўлга киритди. Шундан билса бўладики, туманимизда бошланғич ташкилотлар фаолияти яхши йўлга қўйилган.

Ушбу тадбир менда катта таассурот қолдирди. Аввало, ўзим билмаган кўп нарсаларни ўргандим. Ёшлар билан ишлаш, уларнинг қобилиятини ривожлантиришда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида кўникмаларга эга бўлдим. Қолаверса, юртимизнинг гўзал табиати, осмонга туташ тоғларини кўриш бахтига

муяссар бўлдим. Бу ерда олган ғайратим келгуси фаолиятимни янада ривожлантиришим, йирик лойиҳаларни амалга оширишимга куч беради.

Сардор Худойбердиев, Марғилон шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:

— Ўқув-семинар ёш авлод камолоти йўлидаги эзгу лойиҳалардан бири бўлди. Ташкилотчиларнинг саъй-ҳаракати билан билимимизни бойитдик. Ҳамкасблар билан мунтазам равишда тажриба алмашишга келишиб олдик. Шу ўринда таълим муассасидаги бошланғич ташкилот фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам. Бошланғич ташкилот етакчиси Муҳаммадяхё Маҳмудов нафақат мактабимизда, балки шаҳарда ҳам фаол ва ташаббускорлиги билан тенгдошларини ўз ортидан эргаштира олади. У айна пайтда Марғилон шаҳар «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиларига сардор. Мактабимиз ўқувчиси Абдулазиз Муҳаммаджонов ўсмирлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида ядро улоқтириш бўйича 2-ўринни эгаллашда Муҳаммадяхёнинг ҳам хизмати ва ҳиссаси бор деб биламиз.

Тойир ШЕРОВ, Тойлоқ тумани ХТМФМТТЭБнинг маънавий-ахлоқий тарбия бўлими мутахассиси:

— Бу йил «Камолот» ЁИХ ташкил этган «Энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси» кўрик-танловининг республика bosқичида туманимиздаги 21-умумтаълим мактаби бошланғич ташкилот етакчиси Фарҳод Холиқов 1-ўринни эгаллади. Семинарда кўпчилик иштирокчилар қатори Фарҳоднинг иш тажрибаси ҳам оммалаштирилди.

Ўз навбатида биз ҳам фаолиятимизда қўл келадиган қимматли маълумотларга эга бўлдик. Энди назарий томондан орттирган билим ва кўникмаларимизни амалиётда қўллашимиз керак.

Ҳасан МҶМИНОВ, «Ma'rifat» мухбири



ОРАСТА, ОҚИЛА ВА ТАШАБУСКОР ҚИЗЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу мақсадда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан республикамиздаги таълим муассасалари қошида «Ораста қизлар» тўғаракли ташкил этилган. Тўғаракнинг асосий мақсади, болалар, айниқса ўсмир ёшидаги қизларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, маҳалласи ва атроф-муҳит тозаллигига эътиборини кучайтириш, экологик ва тиббий маданиятини ошириш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, уларнинг оила муқаддаслиги ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришдан иборат.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгилаб берилганидек, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳуна таълими маркази тизими таълим муассасаларидаги ўқувчи-қизлар ўртасида «Ораста қизлар» кўрик-танловининг куйи bosқичлари катта тайёргарлик билан ўтказилди.

М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент шаҳар филиалида «Ораста қизлар» кўрик-танловининг Республика bosқичи бўлиб ўтди. Танловда ҳар бир ҳудуддан куйи bosқичларда 35 мингга яқин қизлар орасидан саралаб олинган 10 нафардан қизлар жамланган 14та жамоа ўзаро беллашди. Танлов шартига кўра иштирокчилар Президентимизнинг «Ожас маънавият — энгилмас куч» китоби ҳамда Кайковуснинг «Қобулнома» асарлари асосида тайёрланган саволларга жавоб беришди. Жавобларнинг тўлиқ ва аниқлиги, жамоанинг яқдиллик билан изланиши, тезкорлиги голибларни аниқлашда ҳисобга олинди.

— Кўрик-танловга тайёргарлик жараёнида бу асарларни тўлиқ ўқиб-ўрганиш билан бирга, ус-тозларимиз кўмағида мазмун-моҳиятини ҳам ўзлаштиришга ҳаракат қилдик. Уйлайманки, ўқиб-ўрганганларимиз бутун ҳаётимиз давомида асқотади, — дейди НДПИ қошидаги 1-академик лицейнинг 2-bosқич ўқувчиси Наргиза Хўжаназарова.

Кўрик-танлов якунида саволларга тўғри ва тезкор жавоб берган Қашқадарё вилоятининг «Нафосат» ҳамда Сурхондарё вилоятининг «Сурхон гавҳари» жамоалари 3-даражали диплом билан тақдирланди. Тошкент вилоятининг «Намуна» жамоаси иккинчи, Наманган вилоятининг «Наманган гуллари» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Танлов голибларига Хотин-қизлар кўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳуна таълими маркази томонидан сертификат ҳамда эсдалик совгалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Назокат ХОЛМЕТОВА, «Ma'rifat» мухбири

В.ГРАНКИН олган сурат.

«Дисней» компанияси томонидан ҳар йили аънавий тарзда педагог сифатида юқори натижаларга эришиб келаётган, таълим-тарбия борасида ўз услубига эга муаллимларга «Йил ўқитувчиси» мукофоти топширилади. Бу мукофот билан 2000 йили америкалик таниқли педагог Рон Кларк ҳам тақдирланган. Бу педагог бизга 2006 йили Голливуд киноижодкорлари томонидан суратга олинган «Рон Кларк тарихи» бадий фильми орқали яхши таниш. Педагог бугунги кунда «Рон Кларк академияси»га асос солган. Бу академия ноънавий ва замонавий таълим бериш усулларини татбиқ этгани билан бутун дунёда машхур.

Р.Кларк ўқитувчилик фаолияти давомида тўплаган тажрибалари асосида ишлаб чиққан таълим-тарбия, одоб-ахлоқ қоидаларини китоб ҳолида нашр эттирган. Айтиш жоизки, Рон Кларкнинг ушбу «The Essential 55» («55 асосий қоидалар») китоби мислсиз машхурликка эришди ва миллионлаб нусхада сотилди. Китоб дунёнинг бир қанча тилларига таржима қилиниб, 25та давлатда чоп этилган. Куйида мазкур китобдан ўрин олган айрим қоидаларни эътиборингизга ҳавола этамиз. Катта тажриба маҳсули бўлган бу фикрлар барча фан ўқитувчилари, айниқса бошланғич синф муаллимлари ва синф раҳбарларига фаолиятлари давомида асқотиши шубҳасиз.

1. Рухсатсиз ўрнингиздан турманг.

(Истисно: агар тобингиз қочса, дарҳол маълум қилинг.)

2. Куйидаги ҳоллардагина гапирингизга рухсат берилади:

— қўлингизни кўтарганингиздан сўнг, сизга мурожаат қилсам;

— сизга савол берганимда, жавоб қайтариш учун;

— тушлик вақтида;

— сизга бирон топшириқ берсам (масалан, гурӯҳ бўлиб ишлаш вақтида).

✓ Ошхонада жойларни бутунлай банд қилманг. Агар кимдир ёнингизга ўтиришни сўраса, уни бажонидил таклиф қилинг. Ҳеч кимнинг раъйини қайтаришга ҳаракат қилманг. Биз — бир оиламиз ва ўзаро ҳурмат ва бағрикен-

Илг'ор та'лим texnologiyalari

томонга очиладиган бўлса, кейинги инсонни биринчи бўлиб ўтказиб юборинг ва ортидан ўзингиз киниринг. Агар эшик қарама-қарши томонга очиладиган бўлса, унда аввал ўзингиз ичкарига кириб, ушлаб туринг.

✓ Экскурсияга чиққанда диққатга сазовор жойларга кирган пайтингизда бир-бирингиз билан гаплашманг. Бинога ҳеч кимга халақит бермайдиган даражада тинчлик сақлаб киришимиз керак. Бу кювета кинотеатр, театр ва шуна уқшаш бошқа муассасалар учун ҳам тааллуқли. Мазкур қоидага мактабга қайтгандан кейин ҳам амал қилишимиз керак.

✓ Мажлис вақтида гаплашманг ва атрофга олазарак қараманг,

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ

✓ Сухбат чоғида нигоҳлар орқали алоқа ўрнатинг. Агар кимдир гапирётган бўлса (дарс вақтида), гапи тугамагунча ундан (яъни суҳбатдошингиздан) нигоҳингизни узманг. Кимки фикр билдирса, унда ўша инсон томонга юзланинг.

✓ Агар синфда кимдир бирон ўйинда галаба қозонса ёки қандайдир муваффақиятга эришса, уни табриклаймиз. Қарсақнинг овози баландроқ бўлиши, давомийлиги эса 3 сонидан кам бўлмаслиги керак.

✓ Мунозара вақтида бошқа ўқувчиларнинг мулоҳазалари, фикр ва гояларини ҳурмат қилинг.

✓ Агар бирор муваффақиятга эришсангиз, ҳаволаниб кетманг, мағлуб бўлсангиз, жаҳл қилманг. Ютқазган вақтингизда куйидагича фикр билдирганингиз маъқул: *ростини айтсам, бу беллашув менга жуда манзур бўлди ва сиз билан яна бир бор баҳслашишни интиқлик билан кутаман ёки бугун ажойиб ўйин бўлди.* Ютқазганда жаҳлингизни кўрсатиб «мен жиддий ўйнамагандим» ёки «сиз аслида унчаллик кучли эмасиз» каби пичинг қилишингиз, аслида сизнинг ожизлигингизни кўрсатади, холос.

✓ Мулоим бўлинг. Сизга эътибор қилган инсонларга сиз ҳам қизиқиб билдираётганингизни кўрсатинг.

✓ Лабингизни чаппиллатманг, кўзингизни ўйнатманг ёки шу каби хатти-харакатлар билан бошқаларга нисбатан ҳурматсизлик қилманг.

✓ Агар кимдандир совға олсангиз, ҳеч қачон унга ҳақияси ҳақида салбий гап айтманг ёки унинг берган нарсаси сиз учун қадрли эмаслигига шаъма қилманг.

✓ Атрофдагиларни қутилмаган яхшиликлар билан ҳайрон қолдиринг. Ҳеч бўлмаса ойда бир марта ким учундир мурувват кўрсатишга ҳаракат қилинган, бу уларни ҳайратга солсин.

✓ Базан синфда бир-биримизнинг ишимизни баҳолашимизга тўғри келади. Бошқа ўқувчининг ишига атайин паст ёки юқори баҳо қўйишга ҳаракат қилманг. Аслида ўзганинг ишига қай даражада адолатли баҳо қўйишингиз, бу ўзингизга берилган баҳодир.

✓ Синфда биргаликда матн ўқиётган вақтимизда диққат билан кузатиб бординг. Агар мен ўқиш навбатини сизга берсам, у ҳолда матннинг қаерига келиб қолганимизни аниқ билишингиз ва келган жойидан тезда давом эттиришингиз керак.

✓ Ўзгалар билан суҳбатда уларнинг саволига ҳурмат юзасидан

педагог Рон Кларкнинг таълим-тарбия борасидаги қоидалари асосини ташкил этади

тўлиқ жавоб беринг. Масалан, сиздан «Ишларинг қалай?» дея сўраса, сиз «Ҳаммаси яхши, раҳмат. Ўзингизники-чи?» тарзида жавоб беринг. Шунчаки «яхши» деб қўйиш ҳурматсизлик саналади.

✓ Вақти-вақти билан яхши хулқ-атворингиз, ўзлаштириш натижаларингиз ва бошқа ижобий хатти-ҳаракатларингиз учун тақдирлаб бораман. Агар мендан ўзингиз рағбат сўрасангиз, унда билинган, ҳеч қачон уни қўлга кирита олмайсиз. Яхши хулқ-атворингиз учун нимадандир умидвор бўлишингиз, бу — беадаблик. Сиз рағбат олиш учун эмас, балки яхши бўлишга ҳаракат қилишингиз керак.

✓ Барча фанлардан берилган уй вазифалари ҳар бир ўқувчи томонидан ҳар кун бажарилиши шарт.

✓ Дарс давомида бир фандан бошқа бир фанга ўтиш вақтида тез, шовқинсиз ва тартибли ҳаракат қилишингиз керак. Дарсликлар, уй вазифалари бажарилган дафтарлар ҳамда керакли материалларни тезда алмаштиришга тайёр бўлинг. Буларнинг барчасини бажариш учун 10 сония вақт етди. Вақт ўтиши билан буни 7 сониягача туширишга ҳаракат қиламиз.

✓ Синфдагилар ўзаро ҳамжиҳат бўлиши учун астойдил ҳаракат қилишингиз керак.

✓ Агарда дарсни бошқа ўқитувчи ўтаётган бўлса ҳам, мен бор вақтимда амал қиладиган қоидаларни бажаришингиз керак. (Биламан, бу қийин иш, ammo шундай қилиш зарур.)

✓ Синфда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этамиз. Ҳар қандай топшириқни бажаришда баҳамжиҳат ва самарали ҳаракат қиламиз. Бунга эришиш учун куйидаги қоидаларга амал қилиш керак:



глик билан муносабатда бўлишимиз зарур.

✓ Агар мен ёки бошқа ўқитувчи бирон ўқувчи билан гаплашаётган ёки унга танбех бераётган бўлсам, ўша болага қараманг. Чунки ўзингиз ҳам бирон муваффақиятсизлик сабаб танбех эшитсангиз, ўзгаларнинг сизга қараб туришини хоҳламасдингиз. Шу боис, бундай вазиятда сиз ҳам бошқаларга қараманг. Агар сизга танбех бераётган бўлсам, унда ўзгаларнинг қараб тургани учун жаҳл қилманг ва бундан безовта бўлманг. Ҳаммасини менга қўйиб беринг ва ўзим бу вазиятга ечим топа оламан.

✓ Автобусда кетаётганингизда ҳар доим олдинга қараб кетинг. Қолган ўқувчилар билан гаплашиш учун ўғирланг, ойнадан ҳеч нарса ташлама. Тушаётганда, албатта, ҳайдовчига раҳмат айтинг ва хайрли кун тиланг.

✓ Экскурсияга чиққан пайтимизда бегона инсонлар билан таништирсам, уларнинг исmlарини эслаб қолишга ҳаракат қилинг. Кетаётганда уларга исmlари билан мурожаат қилган ҳолда миннатдорлик билдириб, хайрлангиз.

✓ Қаердалигидан қатъи назар, мактабда ёки экскурсияда, агар кимдир бирон нарсасини тушириб қўйса, уни олиб, эгасига қайтаринг. Ҳатто ўша нарса, эгасининг ёнгинасига тушган бўлса ҳам, хушмуомалалик билан эгилиб олиб беринг.

✓ Эшикка яқинлашган вақтингизда ортингиздан кимдир келаётганини кўрсангиз, эшикни очиб қолдира туринг. Агар эшик сиз

синфдош дўстларингиз диққатини ўзингизга қаратманг. Биз биргаликда баҳамжиҳат бўлиб ишлаётганимиз ҳақида таассурот уйғотишимиз керак.

✓ Экскурсиядан қайтганимиздан сўнг, менга ёки менинг ўрнимда исталган бошқа ўқитувчига раҳмат айтишни унутманг. Ушбу экскурсияга вақт ажрата олганимиз учун миннатдорлик билдиринг, шунингдек, бундай имконият яратилганидан мамнунлигини таъкидланг. Менга раҳмат эмас, аксинча ўз ўрнида миннатдорлик билдира олишни ўрганишингиз мумкин. Бу одат қачондир ишни ўз томонингизга оғдира олишда қўл келади.

✓ Навбатга турганда турнақатор бўлиб тизиламиз. Олдингиздаги инсон билан орангиз бир қадам бўлиши керак. Ҳар доим тўғрига қараб ҳеч ким билан гаплашманг.

✓ Агар дарс пайтида йўталсангиз ёки аксирсангиз дарҳол юзингизни ёнингиздагилардан бошқа тарафга ўғиринг ва оғзингизни кафтларингиз билан тўсинг. Ва албатта охирида «кечирасиз» дейиш ҳам ёдингиздан чиқмасин.

✓ Тушликда ошхонадаги жойларни бутунлай эгаллаб олманг. Агарда кимдир ёнингизга ўтиришни сўраса, уни бажонидил таклиф қилинг. Ҳеч кимнинг раъйини қайтаришга уринманг. Биз — бир оиламиз ҳамда бир-биримизга ҳурмат ва бағрикенглик билан муносабатда бўлишимиз зарур.

✓ Агар сизга кимдир урилиб кетса, гарчи айб сизда бўлмаса ҳам, дарров кечирим сўранг.

✓ Телефон кўнғиргога жавоб бераётганингизда, ўзингизни одоб-ахлоқ қоидаларига мос тутишни унутманг.

✓ Қаердадир барибир хато қилишингизни ҳисобга олинг. Хатолардан тегишли хулоса чиқариб, мақсадингиз сари яна олға интилинг.

✓ Қандай ҳолатда бўлишингиздан қатъи назар, виждонли бўлинг. Ҳаттоки бирон ноҳўя хатти-ҳаракат қилиб қўйсангиз ҳам виждонан бундан тан олиб, менга айтинг. Чунки бундай инсонларни ҳурмат қиламан ва виждонли эканингиз учун қилган ноҳўя ишингизни кечираман.


✓ Қўлингиздан келганча, энг яхши инсон бўлинг!

Инглиз тилидан
Хушнудбек ХУДОЙБЕРДИЕВ
таржимаси.

2014-yil 5-noyabr, № 89 (8738)

КАРБОНАТ АНГИДРИД ГАЗИ РЕКОРД ДАРАЖАГА ЕТДИ

Атмосферадаги иссиқхона газлари миқдори сўнгги 800 минг йил ичида энг юқори даражага етди. Бу ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича ҳужжатлараро гуруҳи (IPCC) мутахассислари маълум қилган.




«France-Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, маълумотда дунё миқёсида иқлим ўзгаришлари табиий тизимлар ҳолатига кучли таъсир кўрсатгани алоҳида қайд этилган.

Мутахассислар агарда атмосферага карбонат ангидрид газини чиқарилиши миқдорини қисқартириш борасида зарур чоралар кўрилмаса, глобал иқлим иссиқлиги давом этиб, асримиз охирида вазият тиклаб бўлмас даражага етиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Шунингдек, 2050 йилга қадар атмосферага иссиқхона газларини чиқариш 40—70 фоиз, 2100 йилгача эса 100 фоиз қисқартирилиши лозимлигини айтиб ўтишган.

Маълумотда келтирилишича, 1880 йилдан 2012 йилгача сайёрамизда ўртача ҳаво ҳарорати Шельсий шкаласи бўйича 0,85 даражага кўтарилган. Денгиз сатҳи эса 1901 йилдан то 2010 йилгача бўлган давр ичида 19 сантиметрга кўтарилган.

МРТ ИМКОНИАТИ ЯНА ОШИРИЛДИ

Бугунги кунда магнит-резонанс томография ускунаси — МРТдан тана аъзоларининг 0,1 миллиметргача бўлган қисмлари ҳолатини ўрганишда кенг қўлланилмоқда. Аммо олимлар янги технологиялар асосида унинг имкониятини молекуляр миқёсда аниқ ишловчи даражага етказишди.



Маълумки, МРТ ускунасининг ишлаш механизми доимий магнит майдонида водород атомлари ядроларининг электромагнит тўқинларига муносабатини ўлчашга асосланган. Мазкур технология кўп йиллардан буён амалда қўлланиб келинмоқда. Бироқ Цюрих Олий техника мактаби (Швейцария) ҳамда Лейпциг университети (Германия) олимлари ҳамкорликда мазкур ускуна имкониятларини сезиларли даражада оширишга муваффақ бўлишди.

Бунинг учун мутахассислар ўз тадқиқотларида одадий электромагнит ғалтак ўрнига махсус датчик (қабул қилувчи ва узатувчи қурилма) ўрнатилди. Ушбу датчик флуоресцент (нурланганда ялттираб қуринадиган) микроскоп вазифини бажаради.

Олимлар датчикни 2x2 миллиметрли олмосдан ясади. Кристалл панжара эса олатдагидек иккита углерод атомидан эмас, балки битта азот атомидан ишлаб чиқилди. Натижада унинг аниқлиги 0,1 нанометрга етди. Олимлар мазкур МРТ ускунаси ёрдамида биомолекулалар, жумладан, оқсиллар ҳақида батафсилроқ маълумот олишга умид билдиришмоқда.



ЭЛЕКТРОН ҚОШИҚ ТАОМ МАЗАСИНИ "ЎЗГАРТИРАДИ"

Бирлашган Араб Амирлиги пойтахти Абу-Дабидаги Нью-Йорк университети олимлари томонидан таом мазасини ўзгартириш хусусиятига эга электрон қошиқ иxtiros қилинди. Бу ҳақда «New Scientist» нашри хабар берди.

Овқатни шўр, ширин, аччиқ ёки нordon қилиш учун электрон қошиққа жойлаштирилган махсус электродлар оғиз бўшлиғидаги таъм биллиш рецeпторларига аниқ таъсир кўрсатади. Натижада таом мазаси инсталлан таъмага "ўзгаради". Шунингдек, мутахассислар суюқ ичимликлар учун ҳам худди шундай хусусиятга эга электрон найча яратишди.

Муҳандислар мазкур янги кашфиётни синовдан ўтказиш мақсадида ўттиз нафар кўнгиллини тажрибага жалб этишди. Улар туз ёки шакар солилмаган оддий сув ва бўтқани электрон қошиқ ёрдамида истеъмол қилдилар. Яқунда таъмини ҳис этиш аниқлиги кутилган натижанин 40—83 фоизини ташкил этди. Бунда фақатгина аччиқ таъмини "ҳосил қилиш"да қийинчиликка дуч келинди.

Айрим қатнашчиларнинг металл электродларнинг ўзига хос таъмидан шикоят қилгани боис олимлар келгусида мазкур камчиликни бартараф этишларини таъкидлашди.

Янги қурилма, айниқса турли касалликлар, жумладан, қандли диабет, юрак қон-томир хасталиклари сабабли ширин ва шўр маҳсулотлар истеъмолида қатъий парҳез қилувчилар учун жуда қўл келиши таъкидланмоқда.



ГАМГИНЛИК УЗОҚРОҚ ДАВОМ ЭТАДИ

Бельгиянинг Левен университети олимлари 200 дан зиёд юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказган сўровнома асосида гамгинлик бошқа салбий ҳиссиётларга қараганда 240 мартаба узоқроқ давом этишини аниқлашди. Маълум бўлишича, гам-қайғу асоратлари 120 соатгача давом этса, уялиш ёки нафрат ҳисси ярим соатча руҳиятга таъсир кўрсатиб туриши мумкин экан.

«The Nature World News» нашрида қайд этилишича, олимлар 233 нафар юқори синф ўқувчисидан яқинда содир бўлган бирор воқеани эслашни ҳамда ҳодиса билан боғлиқ ҳиссиётлар қанча вақт давом этганини сўрашди ва бундай ҳиссиётлар билан қандай курашилганини ҳам ўрганишди.

Маълум бўлишича, гам-қайғу асоратлари уялиш, ажабланиш, ғазабланиш, зериктиш, жирканиш, кўрқув ва бошқа ҳис-туйғуларга қараганда анча узоқ сақланиб турган. Шунингдек, ўзаро ўхшаш ҳиссиётлар давомийлиги ҳам бир-биридан фарқланиши аниқланди. Масалан, айбдорлик ҳисси қайғудан, кўрқув хавотирдан узоқроқ давом этмас экан.

Мутахассислар у ёки бу ҳиссиётларнинг узоқ мулдат таъсир кўрсатишини муайян ҳодисани доимо эслаб ёки ўйлаб юриш билан изоҳлашмоқда.

С.РУСТАМОВ тайёрлади.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма кўмитаси механика-математика факультети «Математик физика» кафедраси доценти Юсуфжон Файзиевга волидаи муҳтарамаси **АЗИЗА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кафедралари бўйича профессор, кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи ва ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади

I. Дастгоҳли рангтаъсир кафедраси

1. Кафедра мудири

II. Чизматасвир кафедраси

1. Катта ўқитувчи

III. Либос дизайни кафедраси

1. Катта ўқитувчи
2. Ўқитувчи

IV. Педагогика ва касбий таълим кафедраси

1. Кафедра мудири
2. Катта ўқитувчи

IV. Амалий графика кафедраси

1. Кафедра мудири
2. Ўқитувчи

VI. Театр безаги ва рангтаъсир кафедраси

1. Профессор

VII. Миниатюра ва китоб графика кафедраси

1. Доцент
2. Ўқитувчи

VIII. Бадий кулол ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш кафедраси

1. Катта ўқитувчи

IX. Маҳобатли рангтаъсир кафедраси

1. Катта ўқитувчи

X. Дизайн кафедраси

1. Ўқитувчи

XI. Тасвирий санъат тарихи ва назарияси кафедраси

1. Катта ўқитувчи

XII. Ижтимоий фанлар кафедраси

1. Катта ўқитувчи
2. Ўқитувчи

XIII. Информатика ва менежмент кафедраси

1. Профессор
2. Катта ўқитувчи

Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар куйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

- институт ректори номига ариза;
 - ходимлар шахсий варақаси;
 - олий маълумот, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларининг нусхалари; меҳнат дафтарчасидан нуска;
 - илмий ва ўқув методик ишлари, ҳисоботлар, ижодий ишлари рўйхати, ижодий ишлар фотоальбому, каталоглар.
- Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мuddат ичида мазкур институтнинг Ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзилмиз: 10000, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй.
Тел: 255-18-33, факс: 255-18-92.

ОЛИМ ВА МЕҲРИБОН УСТОЗ

Халқимиз орасида намунали ва ибратли умр йўли, самарали ижодий фаолияти, яратган асарлари, тарбиялаган фарзанд ва шогирдлари билан ҳамон барҳаёт, сиймоси қалблардан унутилмаган инсонлар бор. Шулардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, академик Содиқ Азимов мамлакатимизда фан, техника ва маданият равнақига улкан ҳисса қўшган олим ҳамда моҳир педагог эди. Домла республикамизда юқори энергиялар ядро физикаси мактаби шаклланишига улкан ҳисса қўшди, ўнлаб илмий ходимлар етиштирди ҳамда ўз илмий мактабига асос солди.

Устоз С.Азимов Ўрта Осиё давлат педагогика институтини математика факультетининг кечки бўлимида ўқиш билан бирга, 19 ёшидаёқ Ўрта Осиё пахтачилик институтини математикадан дарс бера бошлади. 1936 йили Ўрта Осиё давлат университетининг физика-математика факультетига ўқишга кирди ва муваффақиятли тамомлаб, 1948 йили номзодлик диссертациясини ёқлади. Изланувчан, илм заҳматидан

чўчимас олим ЎзФАНинг Физика-математика институтинида коинот нурлари физикаси лабораториясини ташкил қилди ва факультетда 1946 йили очилган экспериментал физика кафедрасида ядро физикаси ҳамда коинот нурлари физикаси бўйича мутахассислар тайёрлай бошлади. Истеъдодли олим ижодий фаолияти давомида олий таълим билан академик фан ўртасидаги муътадил муносабатларни изчиллик

билан ривожлантириб, мустақамлаб борди. 1948 йилдан бошлаб унинг раҳбарлигида экспериментал физика кафедраси қошида коинот нурларининг электрон-ядро жаласини тадқиқ қилиш мавзуси бўйича ёш олимлар ивланиш олиб бора бошлади. Заҳматқаш олим ташаббуси билан 1954 йили

Xotira

Ўрта Осиё давлат университети ҳузуринда Ядро физикаси ва коинот нурлари кафедраси очилди. У умрининг охирига қадар шу кафедрани мудирлик қилди ва 1960 йилга қадар бу даргоҳдан икки минга яқин мутахассис етишиб чқиди.

С.Азимовнинг физика-математика соҳасига қўшган ҳиссаси беқиёс. Жумладан, унинг саъй-ҳаракати билан амалий ядро физикаси соҳасида таж-

рибалар олиб бориш учун 1956 йили кафедра қошида илмий муаммолар лабораториясини ташкил этилиб, 1960 йили ўша давр учун энг замонавий бўлган кимматбаҳо қурилма — электронларни юқори энергияга чаканлаштириш мумкин бўлган тезлаткич — бетатрон билан жиҳозланди ҳамда ядро физикаси бўйича жаҳон андозаларига мос келадиган даражада илмий тадқиқотлар йўлга қўйилди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида республикамизда гелиомагнетронлар ва Куёш энергиясидан амалий фойдаланишни ривожлантириш мақсадида Паркент туманида Катта Куёш реактори қурилишида ҳам академик С.Азимовнинг бевосита иштироки бор. Бу реактордан фойдаланиб қийин эрийдиган металллар ва ўта чидамли соф материалларни

олиш учун илмий ишлаб-чиқариш мажмуаси яратилди.

1956 йили ёш, забардаст олим С.Азимов, У.Орипов билан бирга Ўзбекистонда Ядро физикаси институтини ташкил этиш ташаббуси билан чқиди ва уларнинг саъй-ҳаракати натижаси ўларок, Тошкентда Марказий Осиёда биринчи бўлиб замонавий ядро тадқиқотлари маркази очилди.

Ядро физикаси ва юқори энергияли зарралар билан муносабатининг ўзаро таъсирини доимий тадқиқотларни жаҳон даражасига олиб қўшган катта олим сифатида Содиқ Азимов номи дунё физика фани тарихига кирди. Бугунги кунда ҳам устоз сиймоси атоқли ташкилотчи, моҳир педагог, меҳрибон устоз сифатида шогирдлари хотирасида.

Зокиржон КАНОКОВ,
ЎзМУ Ядро ва назарий физика кафедраси мудири, физика-математика фанлари номзоди

ОНА ТИЛИНИ АРДОҚЛАШ ЗАРУРАТДИР

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний: "Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур", деб халқимизни ўз тилини ардоқлашга, уни асраб-авайлашга ундаган. Тилимизнинг ҳолатини Замахшарий, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Нодир, Хувайдо, Бехбудий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир ўз асарларида намоён этган. Аждодларимиз шу тилда ижод этиб, бир умр шу буюк юрт фарзанди бўлганлигидан фахр ҳиссини туйиб яшаган.

Хўш, биз ва фарзандларимиз она тилига нечоғлик муносабатда бўлялми? Соф, ширин тилимизга ноўрин вазиятларда ҳам "Окей", "Йес", "Вао", "Хорошо" каби хорижий сўзларни қўшиб гапириш орқали

унинг жилвадорлиги сўнишига сабабчи бўлмаями? Тилимизнинг кучи, бебаҳолиги, таъсирчанлиги тинглаётган фарзандимизга сингсагина уни ардоқлаб, ўзлигини англайди.

Борлиқни англашимиз, ўзаро фикр алмашишда тил муҳим аҳамиятга эга. Тил орқали ўй-фикримизни, орзу-умидларимизни ва ҳис-туйғуларимизни ифода этамиз. Инсон ўз она тилида тафаккур қилади. Жамият аъзолари ўртасида ҳосил бўлган фикр тил орқали моддийлашади, омалашади.

Зеро, "тилдаги ҳар бир сўз, унинг ҳар бир шакли инсон тафаккури ва туйғусининг натижасидир, ўша тафаккур ва туйғулар орқали сўз ёрдамида мамлакат табиати ва тарихи ифода этилиши ва таъкидлашган доналаримиз.

Гулноза ЁДГОРОВА,
ТАТУ қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейи ўқитувчиси



ТОМ КЕТМАЙДИ...

Дам олиш кунни бир фильм томоша қилдим. Кино яхши бошланди. Лекин бир пайт кизча ўз акасига қарата "Томи кетиб қолибди, шекилли", деб юборди. Бу ибора менга ёқмади. Ахир, том уйнинг, бинонинг устини беркитиб туради. Лой том, тунука том. Иккинчи маъноси баъзи қурилмаларнинг қор-ёмғир, қуёшдан химоя қилувчи тепа қисми. Масалан, кабина томи. Учинчи маъноси уй, ховли-жой. Эшакка мугуз битса, эгасини сузади, туяга канот битса, томининг бузади, "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да шундай таъриф берилган.

Кўча-кўйда, автобусларда айрим ёшларимиз бир-бирларини шу гап билан мазақ қилганининг

кўп бора гувоҳи бўлганман. Айниқса, ўсимир йигит-қизлар шеригининг «томи кетиб қолган»лигини кўрсаткич бармоғини чаккасига нуқиб ифода қилади. Бундай ҳолларни кўриб гоҳида ўйлаб қоламан. Ёшлар қураётган киноларга тақдир қилишмайтимики?..

Она тилига ҳурмат ва унинг бебаҳо сўз хазинасидан ўринли фойдаланиш, тил воситасида таъсирчан сўзлаб ёза олиш, нуқтий саводхонликка эришиш шу тил вакили бўлган ҳар бир шахснинг бурчидир.

Барно САПАЕВА,
Сергели туманидаги 104-мактаб ўқитувчиси

ПИШИҚ ПОЙДЕВОР

Бобом-бувимнинг хотираларини тинглаганда ҳайратланаман. Чунки демократик таълимларга асосланган жамиятда яшаётган ўйинқароқ ўқувчи учун

яқин ўтмишда маълум бир сўзларни айтиш тақиқланган эриш туюлади-да. Миллат қадрини ўйлаган халқпарварларни «миллатчи», жамиятнинг нуфузли қатлами бўлган тadbirkору мулкдорларни «синфий душман», бир таноб ери бор деҳқонни «қулоқ» қилиш ҳақидаги ҳикояларидан бобомнинг кўзи ёшланади. Шундай дорилмон кунларга шукрона айтишимиз, лозимлигини қайта-қайта такрорлайди. Шундай сўбатлардан сўнг ўйга толаман. Ҳақиқатан ҳам, мустақилликка эришганимиздан сўнг, биз аждодларимиз номларини тикланди. Алломаларимизнинг бебаҳо илмий мероси ўрганила бошланди. Айримлари тўлиқ қайтадан нашр этилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида ёш авлод аждодларини таний бошлади. Энди тарихни ўрганишга қизиқ-

қанлар «ёт унсур» эмас. Она тилида гапиришни истаганлар «қолоқ» деб айбланмайди.

Ўртимиздаги Миллий боғ, Миллий кутубхонага Алишер Навоий, Ўзбекистон Миллий университетиغا Мирзо Улуғбек, пойтахтимиздаги шохқўчаларга Беруний, Форобий, Хоразми, Бобур, сингари номларнинг шериши мустақиллик баърофати билан.

Шу каби ўйлар билан мактабга йўл оларканман, ёнимдан ўтган ота-хонга фахр билан «Ассалому алайкум» дейман. Бобом айтганидек, кўрқиб эмас, баралла она тилимизда сўзлаётганимиздан мамнун, истиқлол фарзанди эканимга шукроналар билан дарсга қираман. Устозларни жон қулоғим билан тинглайман. Бобомнинг ҳикояларидан англаганим шукки, имкониятлардан умумли фойдаланиб, шу юртга муносиб авлод бўлиш фарзандлик бурчимдир.

Махлиё ТўРАБОЕВА,
Бектемир туманидаги 293-мактабнинг 9-синф ўқувчиси

Сув олиш тоғлардан тушиб, кирю адир, чўлу биёбонлардан оқиб келса, шунча соф ва шифобахш бўлади. Тил ҳам худди шундай, асрлар давомида сайқалланади, ривож топади, тақомиллашиб, гўзаллашиб боради.

... Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деганларидек, танишим катталиги 96 varaки дафтардек келадиган қўшқўл телефон (планшет)ини олди-да, қайсидир сайтга кириб ёзишларини кўрсатди. Ёзишларга кўз югуртирдим, сўзлар мени ажаблантирди: «sen4», «yaxni», «ubidaman», «kurganim yuq», «aytganim yo».

— Булар нима? — дедим сўзларни кўрсатиб.

— Нима, ўзбекчани тушунмайсанми? Катта-катта қилиб ёзилган-ку! Бу «сен-чи», буничи «яши», манави «йўлда-

ман» дегани, — деди Америка кашф этган одамдек. — Сен, шоирсан-да, эримасдан нуқта-вергулигача ёзиб чиқасан.

У менинг бу «янгилик»дан беҳабарлигимдан ажабланарди.

Хуллас, шунга ўхшаш хатоларни ҳар кун учратадиган бўлиб қолдим: интернетдаги ёзишмалар, СМСларда.

Хўш, бунга қандай муносабат билдириш мумкин? Мен ўшандан бери асабийлашиб юрибман. Ахир, тил конун-қоидаларига амал қилиш керак-да!

— Бунга ёзишни қаердан ўргандинг? — дедим энсам қотиб дўстимга. — Чала-чулла, нотўғри ёзилган-ку!
— Бу вақтни тежайди, —

деди у. — «Sh»ни иккита ҳарф билан ёзгунча, битта «w» (да-абло) қўйган яхшимасми? «O» ҳарфини ёзаман деб, бош қотирмайман: «6» (олтин)и ёзаман, бўлди.

Мен индамадим...

Қизиқ, бу «янгилик» қаердан кириб келган экан? Нега бунга одамлар бефарқ? Бу саводсизликдан бошқа нарса эмас! Наҳотки, «ў» ўрнида «у»ни ишлатиб гашланмаса. Бунақада «кўл» сўзи билан ўтин қолдиги «кул» сўзлари ёзувадир хил бўлиб қолади-ку! «Менинг қўлим» деб ёзмокчи бўлганда «менинг қўлим» бўлиб қолади...

Уч-тўрт ой олдин курсдошларимдан бери мендан нимандир телефонат (яъни, СМС) орқали сўради. Мен ҳазилла-

шиб «айтмайман» деб жавоб ёзгандим, менга «айтмасан айтма» деган жавоб келди. Демак, са+(и)нг (буйруқ-истак майли ва шахс-сон қўшимчаси) «сен» оллоши билан омонимлик ҳосил қилган: кўрмасан — кўрмасанг; келмасан — келмасанг; бормасан — бормасанг ва ҳоказо).

Балки ёзаётган одам «о»нинг қалпоқчасини шошганидан қўймай кетгандир деса, бутун бир матн ичиде умман «о» ҳарфини ўратмадим. «Sogbol», «on bir», «xor boladi», «xir buladi» каби сўзлар тилда янгилик бўлса, «kozim» (аслида, «кўзим»), «olim» («ўлим»), «bol» («бўл»), «qol» («қўл»), «bog» («бўғ»), «osma» («ўсма»),

«yo!» («йўл») сўзлари эса саводсизлик оқибатида шаклдош сўзларга айланиб, ўзбек тили омонимлари хазинасини «бойитмоқда»...

Кўчада бир эълонга кўзим тушиб қолди. Уни лотин алифбосини яхши билмайдиган киши ёзган. «Yer sotiladi» дейиш ўрнига «Er sotiladi» деб ёзиб қўйибди. Ана, холос!

Хуллас, гапираман десам, гап кўп. Шунча гапни сабр қилиб, эшитганингизга ҳам катта раҳмат. Асосийи, ҳар бир киши ўзбек тилининг келажигига дахлдор эканини унутмас, бас.

Хусан МАҚСУД,
Низомий номидаги ТДПУ ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаси

2014-yil 5-noyabr, № 89 (8738)

УМИДЛИ СУРХОН ЁШЛАРИ

Хоразмда бўладиган «Умид ниҳоллари-2015»га катта тайёргарлик кўришмоқда



Юртимизда уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада мусобақалари тизимли йўлга қўйилгани соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етишида, халқаро майдонларда мамлакат шаънини муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларни тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда. Мактаб ўқувчиларининг спортга илк қадамлари «Умид ниҳоллари» мусобақаси орқали қўйилади. Ёш истеъдодлар кашф этилади.

Маълумки, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг республика босқичи 2015 йили Хоразм вилоятида бўлиб ўтади. Шу кунларда Халқ таълими вазириликнинг буйруғига биноан ушбу нуфузли беллашувнинг кўйи босқичлари уюш-қоқлик билан ўтказилмоқда. Унда вилоят ва республика босқичида иштирок этадиган иқтидорли ёшлар сараланмоқда.

Сурхондарё вилоятида ёшларни спортга кенг жалб қилиш ишлари-га алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Чекка қишлоқларда ҳам спорт иншоотлари барпо этилиб, жиҳозлар, спорт инвентарлари билан таъминланган, қолаверса, мураббийларнинг малакаси ҳам ошириб борилмоқда. Бу эса «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг кўйи босқичларини намунали ўтказишга замин яратмоқда.

Вилоят халқ таълими бошқармасининг буйруғига асосан шу кунлар-

да синфларо, мактабларо ҳудудий мусобақалар қизгин кечмоқда. Мусобақаларни белгиланган тартибда ўтказиш учун Низом ишлаб чиқилиб, ишчи гуруҳлари тузилди. Таҳрибали мураббийлар ва ҳакамлар жалб этилди.

— Мактаб ўқувчилари орасидан энг сара спортчиларни кашф этишда «Умид ниҳоллари» мусобақасининг кўйи босқичлари муҳим аҳамиятга эга, — дейди вилоят «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши раиси ўринбосари Шухрат Худойкулов. — «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларини ўтказиш масалаларига бағишланган семинарда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган мусобақаларнинг ҳудудий ва вилоят босқичларини ўтказиш Низомини ишлаб чиқилди. 2014-2015 ўқув йилида 1—4- ва 5—9-синф ўқувчилари ўртасида туман (шаҳар) босқичини ўтказиш жадвали жойларга етказилди. Ишчи гу-

руҳи аъзолари беллашувларнинг Низом талаблари асосида, белгиланган муддатларда ўтказилишини мониторинг қилиб бораёпти.

Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мусобақа иштирокчилари учун мактаб спорт заллари ва болалар спорт мажмуаларида етарли шароитлар яратилди. Мусобақаларнинг туман (шаҳар) ва вилоят босқичларини янги қурилган спорт иншоотларида ўтказишга алоҳида аҳамият қаратилган.

Денов тумани ёш спортчилари вилоят миқёсидаги мусобақаларда илҳомли натижаларга эришиб келмоқда. 2014-2015 ўқув йилида туман мактабларида «Умид ниҳоллари»нинг кўйи босқичини ўтказиш жадвали, спорт иншоотлари, ҳакамлар таркиби тасдиқланган. Тумандаги 27-мактаба бўлиб, олиб борилаётган тайёргарлик ишлари билан танишдик. 1000 нафарга яқин ўғил-қиз таълим-тарбия олаётган билим

масканида спортга ҳам катта эътибор қаратилган.

— Мактабимизда машғулотларни замон талаблари асосида ташкил этиш учун моддий-техник база, услубий қўлланмалар, дарсликлар етарли, — дейди жисмоний тарбия ўқитувчиси Азамат Қаюмов. — 4 нафар ўқитувчи дарсларда ва тўғарак машғулотларида ўғил-қизларнинг спорт билан шугулланиши учун барча имкониятни ишга солишган. Стадион, спорт зали эртадан кечгача қишлоқ ёшлари билан гавжум. Баскетболчи қизларимиз ютуғидан нафақат биз устозлар, балки ота-оналар ҳам хурсанд. 2006, 2009, 2012 йилларда ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг республика босқичида мактабимиз баскетболчи ўғил-қизлари муносиб катнашишди. 8 нафардан ўғил болалар ва қизлар жамоаси вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда таҳриба орттиришяпти. Хоразмда ўтадиган мусобақада ҳам голибликни қўлга киритишни мўлжаллаёмиз.

Яратилаётган шароитлар, берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланаётган вилоят спортчилари ва уларнинг мураббийлари «Умид ниҳоллари» мусобақасининг барча босқичларини катта тайёргарлик билан намунали ўтказиш учун астойдил интилоқдалар.

Норкуват Тўраев,
«Ma'rifat» муҳбири

АГАР ОТА УСТОЗ БЎЛСА

фарзандлик масъулияти икки ҳисса ортади

Ҳаётда шундай касб эгалари борки, уларнинг ўй-хаёллари ҳам, режаю мақсадлари ҳам ўзидан кўра кўпроқ жамият учун, одамлар манфаати учун хизмат қилади. Асл педагог деганда ўз манфаатидан элу юрт нафтини устун қўя оладиган фидойи инсон кўз олдимизга келади.

Ана шундай эзгу ниятли инсонлардан бири Маҳмуд Тоғаев 2013 йили Зарафшондан Навоий шаҳрига йўл олади. Навоий олимпия захиралари коллежидан оғир атлетика бўйича мураббий бўлиб ишлаш бошлади. Дастлаб 12 нафар бола билан машғулотларга киришган бўлса, орадан бир йил ўтар-ўтмас уларнинг сафи кенгайиб, 33 нафарга етди.

Жорий йилнинг 4—7 июнь кунлари ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида голиб бўлган беш нафар навоийлик йигит-қизлар орасида М.Тоғаевнинг шогирдлари — Н.Ҳошимова ва Э.Султоновнинг ҳам борлиги ўқитувчи мекхатига берилган энг юксак баҳо, албатта. Энг қизиғи, унинг ўзи ҳам илк марта бола билан шугулотларда кашф этилган, 1-ўринни банд этиб, мутахассислар эътиборига тушган. Буни қарангки, унинг мураббий сифатида эътироф этилиши ҳам шу мусобақага тўри келди.

— Ҳаётда қувончли воқеалар, шахсий галаба билан кўп рўбарў келганман, — дейди М.Тоғаев. — Лекин шогирдлар ютуғини кўриш, ундан фойдаланиш гашти бошқача бўларкан. Ота-оналарнинг, элу юртнинг олдида ёруғ юзли бўлиб, билдирилган ишонччи оқлаш мураббийга куч беради. Шу ўринда бир сирни айтишим керак, оиламиздаги спортчиларнинг барчаси оғир атлетика бўйича илк сабоқни отамиз — Абдулла Тоғаевдан олган. Отамиз мен, укам ва сингилларимни сабр-тоқатли, шижоат-

ли, қатъиятли бўлиб улғайишга ундаган. Айтмоқчиманки, устоз ва ота деган сўзлар биз учун бир маънони англатади. Ота ўз фарзанди ютуғидан қанчалик қувонса, шогирди муваффақиятидан ҳам шу қадар севинади. Бундай бағрикенгликка фақат чин устозгина қодир. Мен буни мураббий бўлиб теран англаялман.

Бу оиланинг иккинчи фарзанди Нурулло Тоғаев ҳам болалигидан спортга ошно. Унинг айтишича, асли Бухоронинг Вобкентда туғилиб ўсган, касби архитектор бўлган отаси — Абдулла ака ишдан қайтган, ҳар кун ишдан қайтиб, жисмоний машқ бажарарди. Кейинчалик болаларига ҳам бу машқларни ўргата бошлади. Ушанда Маҳмуд 7, Нурулло эса 4 ёшда бўлган.

Ота болаларининг интилишларини завқ билан кузатаркан, ҳар кун янги усулларни ўргатар, жисмоний юклама бераётганда, албатта, уларнинг ёшини инобатга оларди. Бора-бора бу машғулот ёшларнинг кундалик турмуш тарзига, кейинчалик умр мазмунига айланди.

А.Тоғаев спорт воситасида фарзандлариди қобилиятни юзга чиқариш, уларни бир мақсад сари йўналтириш ва шу орқали оила аҳиллиги, мустақамлигини таъминлашга эришди. Тўрт деворли иморатдан кўра, аввало оила кўрғонини пишиқ ва пухта қуришни афзал билган архитектор кўнглига қулоқ солди — спорт оламига жиддий

қадам қўйиб, Зарафшон шаҳридаги 18-мактабада оғир атлетика тўғариғини очди. 8 яшар ўғли Маҳмудни, кейин Нуруллони тўғаракка жалб қилди.

— 2000 йили Зарафшон шаҳрига оиламиз билан бирга кўчиб келдик, — дейди Н.Тоғаев. — Бу пайтда отам «Прогресс» спорт мажмуасида мураббий бўлиб ишларди. Табиийки, биз ҳам шу мажмуада шугулланардик. Отага фарзанд бўлиш ўз йўлига, лекин шогирд бўлиш ҳам мароқли, ҳам қийин экан. Чунки тенгдошларим фақат тўғаракда машқ қилса, биз уйда ҳам шогирд эдик — машқ қилардик.

Sportchilar oilasi

Нурулло мусобақаларда қатнашаркан, ўзи учун олқишу мақтов эшитишдан кўра, отасининг ишонччини оқлаш ҳақида кўпроқ ўйларди. Бошқа шогирдларининг энгилиши Абдулла акани бир қўйинса, фарзандининг мағлуб бўлиши икки карра ташвишга соларди. Ахир ота сифатида фарзанди учун бир қайғурса, устоз шогирди учун яна бир қунонадида. Майдонга масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда чиқишга кўниккан ака-ука Тоғаевларнинг кўнлаб галабага эришиши шу билан изоҳлаш мумкин. Масалан, ўтган йиллар давомида Нурулло бир неча карра Ўзбекистон чемпионати бўлди, Осие чемпионатида, икки марта жаҳон чемпионатида қатнашди.

Айни пайтда Н.Тоғаев ҳам худди акаси каби мураббийлик қилмоқда. Зарафшондаги 2-ихтисослаштирилган олимпия захиралари БЎСМда отасидан олган сабоқларини ёш шогирдларига ўргатади.

Донишмандлардан бири Эзоп ўз тингловчиларига: «Устозингдан икки карра миннатдор бўлмоғинг лозим» деб уқтирар экан. Бу жумлада жон бор. Агар устоз отангиз бўлсанчи? Бахтингиз кулгани — толеингизда юлдуз порлагани шу эмасми?!

Абдулла ака ўғиллари етук спортчи бўлгач, қизига ҳам оғир атлетика сирларини ўргата бошлади. Ахир қиз бола дегани Барчинойдек гўзал ва соғлом, Тўмарисдек кучли, шижоатли бўлиб, барча тенгдошларига намуна бўлиб юрса, қандай яхши?! Шу маънода, Махлиё Тоғаева ҳам (у 1992 йили Бухоро вилоятининг Вобкент туманида туғилган) спортга жалб этилди. Оиланинг кенжаси, эркатойи акаларидек кучли ва бақувват бўлишга ҳавас қиларди. Маҳмуд ва Нурулло галагал сингилсини машғулотларга эргаштириб боришарди. Қолаверса, уйда ҳам фақат спорт ва мусобақалар ҳақида гапирилар, бундай муҳит касб танлашга ҳам таъсир этиши шубҳасиз. Шу зайл ўн ёшли қизалоқ Махлиё ҳам оғир атлетикага махлиё бўлди. Орзу-интилишларига эришиш учун отасидан олган билим ва кўникмаларга таянди.

У ирода эвазига машаққатли доvon ошиб, 12 ёшида голиблик шохсупасига кўтарилди. 2005—2012 йиллар мобайнида Махлиё оғир атлетика бўйича уч карра Осие кубоги голиби, бир неча бор халқаро мусобақалар совриндори бўлди. 2013 йили Поляндада ўтган жаҳон чемпионатида ҳамда Қозон шаҳрида кечган Жаҳон универсиадасида муваффақият қозонди. Ўзбеки-

тон хотин-қизлар терма жамоаси аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси Махлиё Тоғаева яқинда Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган XVII Осие ўйинларида ҳам ўзини кўрсатишга муваффақ бўлди. Энг қизиғи, у спорт делегациямизга газнасига илк медални тақдим этди. Оғир атлетика мусобақасида бронза медални қўлга киритди.

— Махлиё болалигидан ирода ва қатъияти билан тенгдошларига намуна бўлишга интилади, — деди унинг ютуғидан қувонган устози — отаси Абдулла ака. — Чинакам спортчи галабани нишонлаш билан бирга, мағлубият ва қийинчиликларни енгиб ўтишга ҳам руҳан тайёр бўлиши лозим. Чунки булар доим ёнма-ён юради. Қизим мусобақаларда жароҳат олган пайтлари ич-ичимдан ачинаман, лекин унга билдирмайман. Аксинча, юрагида шижоат, ғайрат уйғонишига даъват этаман. Қолаверса, у майдонда қизим эмас, балки шогирдимга айланади.

Ҳа, озод ва обод юртимизда бундай ажойиб тақдирга эга спортчи оилалар сони кундан-кунга ортмоқда. Уларнинг эришаётган натижалари ҳам салмоқли. Дўстлик ва тинчлик элчиси бўлган спортнинг оилавий турмуш тарзига сингиши жамиятимиз, қолаверса, бугун мамлакатимизнинг осуда ва фаровон бўлишини таъминлайди. Спортчи ота-она, табиийки, ўз боласининг доим музаффар бўлишини истайди. Шу боис уни спортга ошно этади. Пиравардида ёш авлод вакиллари ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб улғаяди.

Умида РАҲИМОВА


ABITURIYENTLAR UCHUN ELEKTRON TESTLAR

NEW

O'zbek va rus tillarida

ONA TILI VA ADABIYOT, MATEMATIKA, FIZIKA, BIOLOGIYA, KIMYO, TARIX, GEOGRAFIYA, INGLIZ, NEMIS, FRANSUZ TILLARI

- O'tgan yillardagi o'tish ballari
- Psixologik testlar
- O'quv yurtlari va mutaxassisliklar haqida batafsil axborot



(99871) 283-23-79, 283-39-34
www.mg.uz

Manfaatdor jismoniy va yuridik shaxslarni hamkorlikka taklif etamiz Guvohnoma №005067-03
Хизматлар лицензияланган.

SHARHIM

Ta'lim Образование

QAYERGA O'QISHGA

BORISH MUMKIN?

450

KOLLEJLARDAGI 450 DAN ZIYOD MUTAXASSISLIKLAR, BARCHA LITSEYLAR

KUDA POYTN

UCHITYSAT?

450

СЫМЕ 450 СПЕЦИАЛЬНОСТЕЙ В КОЛЛЕДЖАХ, ВСЕ ЛИЦЕИ

TAYYORLOV TESTLARI
ПОДГОТОВИТЕЛЬНЫЕ ТЕСТЫ




САҲНАДА ЎҚУВЧИЛАР

Шайхонтохур туманидаги 254-умумтаълим мактабида октябрь — филология йўналишидаги фанлар (она тили ва адабиёт, ўзбек тили) ойлиги якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Семинарда туман ХТМФМТТЭ бўлими методистлари, ТошДПУ педагоглари, маҳалла фаоллари, ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.

— Саҳнада ўғил-қизларни Навоий, Бобур, Нодира-бегим ва Увайсий тимсолида кўриб, беихтиёр тарихга саёҳат қилгандек бўласан киши, — дейди мактаб директори Бахтинисо Пулатова. — Аждодларимизнинг она тилимизга оид бебаҳо фикрларини тинглаб, ўқувчиларимиз нақадар бой маънавий меросга эга эканликларини яна бир бор ҳис этишди. Тадбирда "Зулфияхоним", "Ғазалхон ёшлигим" тўғараги аъзолари ўзбек, инглиз, рус тилларида куй ва кўшиқлар ижро этиб, ўз иқтидорларини намоён этдилар.

Тадбирда навбатдаги фан ойлигини самарали, қизиқарли ва кўтаринки руҳда ташкил этиш бўйича дастурлар режаси муҳокама қилинди. Шунингдек, ойлик-



да фаол иштирок этган Набира Одилова, Умида Исмоилова, Жаҳонгул Қўшбоқова раҳбарлик қилаётган синфлар Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Дилдора НАМОЗОВА, мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси



Бурҳон РИЗОКУЛОВ ояган суратлар.

Ma'rifat

ТА'СИС

ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-1124. Tiraj 38927.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-4116



«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'ZA yakuni — 21.25 Topshirildi — 21.35

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Sanjar RUSTAMOV.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

1 2 3 5